

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Тарих кафедраси**

37-12 гуруҳ битирувчиси

Джаббаров Рустам Абдунабиевичнинг

**5120300- тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

**«МЕСОПОТАМИЯ АККАД, ШУМЕР ВА АМОРИЙЛАР ДАВРИДА
(ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ВА СИЁСИЙ АҲВОЛИ)»
мавзусидаги**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: т.ф.н., доцент О.Р.Назаров

Гулистон - 2016

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
Адабиётлар таҳлили.....	9
Танланган объектлар (қўйилган масала ва муаммолар) ва тадқиқот методлари.....	11
1-боб. Месопотамиядаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик асослари.....	12
1.1. Шимолий Месопотамиядаги Хассун, Самарра, Халаф ва Эль-Убейд маданиятлари.....	12
1.2. Ассирия ва Қадимги Бобил подшоҳлигининг гуллаб-яшнаши ва инқирози.....	
2-боб. Аккад, Шумер ва Аморийлар даврида Месопотамиядаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол.....	
2.1. Аккад, Шумер подшоҳликлари даврида қадимги Месопотамия.....	
2.2. Аморийлар ҳукмронлиги даврида Месопотамия.....	
3-боб. Қадимги Месопотамия цивилизациясининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни.....	
3.1. Месопотамия халқларининг маданияти.....	
3.2. Месопотамияда илмий билимлар ва шаҳарсозликнинг ривожланиши.....	
3.3. Месопотамия цивилизациясининг жаҳон тарихидаги ўрни.....	
Хулоса ва тавсиялар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.....	

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари асосида ривожланиш ва тараққий этиш йўлига дадил қадам қўйиб, ўз миллий давлатчилигини қайта тиклаётган келажаги буюк мамлакатимиз бу борада умумбашарий тараққиётга, бошқа халқлар эришган тажрибаларга, айниқса, ижтимоий қадриятларга суянмоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк мамлакатимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак» [2, 6-б.]. Бу борада ёш авлодга бошқа дунёвий билимлар қатори тарихий билимларни сингдириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки улкан тарих тажрибасини ўрганиш – ҳозирги даврда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халқларнинг тарихини турли даврларда, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда эришган ютуқлари ҳамда тараққиёт босқичларига кўтарилишини цивилизация тушунчаси ўзида акс эттиради. Бу тараққиёт босқичи инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, жамиятнинг ривожланиш даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, қабилалар ва халқлар ўртасидаги муносабатлар билан изоҳланади.

Жаҳон халқлари ўтмиш тарихида Яқин Шарқ халқлари илк синфий жамият ва давлатчилик тизимини шаклланишида асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Қадимги Шарқ цивилизацияси ривожланишида Месопотамия илк давлатларини вужудга келиши ва тараққиёти, буюк маданиятга эга бўлиши муҳим ўрин тутди.

Месопотамия (Икки дарё оралиғи) деб қадимги юнон географлари Фрот ва Дажла оралиғидаги текис водийни атаганлар. Бу водий бу икки дарёнинг қуйи ва ўрта оқимида жойлашган эди. Шимолдан ва шарқдан Месопотамия Арман ва Эрон тоғ тизмалари билан ўраб олинган, ғарбда Сурия, Арабистоннинг чўл ва ярим саҳролари билан чегарадош бўлган. Жанубда Форс кўрфази сувлари билан ювилган.

Шимолда Арманистон тоғларидан жанубда Форс кўрфазига, шарқда Эроннинг тоғли вилоятларидан ғарбда Сурия-Месопотамия даштигача бўлган ҳудудда қадимги юнон географлари томонидан Месопотамия деб номланган ҳудуд ястанган бўлиб, бунинг маъноси «икки дарё оралиғи»дир (Фрот ва Дажла дарёлари). Ҳозирги кунда бу асосан Ироқнинг ҳудудига киради [28].

Фрот ва Дажла Арманистон тизма тоғидан бошланиб, Форс кўрфазига қуйиладилар. Қадимда иккита алоҳида ирмоқ билан қуйилган бўлса, бугунги кунда битта кенг ирмоқ - Шатт-ал-Араб қуйилади.

Тоғли сойлар сувларидан сероб бўлган дарёлари юқори оқимларида Кичик Осиёдаги Тавр ва Антитавр (Фрот дарёси) тоғ тизмаларини ва тоғли Қурдистонни (Дажла), ўрта ва қуйи оқимида эса водий бўйлаб оқадилар. Форс кўрфазига қуйилиш жойида оз қолганда эса улар ясси ҳудуд бўйлаб тошиб, ботқоқланган тупроқни ташкил қиладилар. Бу ерни Қадимги Месопотамияликлар «Аччиқ дарё» деб атаганлар. Дарёларнинг бир қатор ирмоқлари мавжуд: Фротнинг энг йирик ирмоқлари – Балих ва Хабур, Дажланики эса – Юқори ва Қуйи Заб, Дияла. Илгари Дажла Фротда серсувроқ эди ва жуда тез оқарди. Фрот ва Дажланинг тошишлари Арманистон тизма тоғида қорларнинг эриши билан боғлиқ. Одатда уларнинг тошиши март-апрел ойларига тўғри келади. ироқ Фрот ва Дажла Нилдан фарқли ўлароқ турли иқлимий зоналардан оқиб ўтиши туфайли, тоғлардаги қорлар ҳар доим бир вақтда эримас ва тошқинлар муддати ҳам ҳар йили турлича бўлиши мумкин эди.

Энг қадимги цивилизация тараққиётининг маркази ушбу ҳудуднинг жанубий қисмида - қадимги Бобилда жойлашган эди. Шимолий Бобил Аккад деб аталарди, жанубийси эса – Шумер деб аталган. Шимолий Месопотамияда, тоғ олди ҳудудларда Ассирия жойлашган эди. Эр.ав. IV мингйилликка келиб Месопотамиянинг чекка жанубида дастлабки шумер манзилгоҳлари пайдо бўлади. Айрим олимларнинг қайд этишича, жанубий Месопотамиянинг энг дастлабки аҳолиси шумерлар бўлмаган, чунки Фрот ва Дажла дарёлари пасттекисликларида мавжуд бўлган кўплаб тарихий топонимик номлар шумер тилида эмас, балки бошқа тилдадир. Тахминларча, шумерлар Жанубий Месопотамияга кириб келишганда, бу ерда улар шумер ва аккад тилидан фарқ қиладиган тилда сўзлашувчи қабилаларни учратганлар ва улардан қадимги топонимларни ўзлаштириб олганлар [37, 89-б.]. Аста-секин шумерлар Месопотамиянинг бутун ҳудудини эгаллаб олганлар. Шумерлар Месопотамияга қаердан кириб келгани ҳануз аниқланмаган. Шумерлар ўртасида тарқалган ривоятларга кўра, улар Форс кўрфази оролларида келган эканлар. Шумерларнинг тили бошқа тиллар билан алоқада бўлмаган. Олимларнинг шумер тилининг туркий, кавказ, этруск ва бошқа тиллар билан қариндошлигини аниқлашга бўлган уринишлари ижобий натижалар келтирмади.

Месопотамиянинг шимолий қисмида эр.ав. III мингйиллик биринчи ярмидан семитлар яшаганлар. Улар қадимги Олд Осиё ва Сурия даштининг чорвадор қабилалари бўлган. Месопотамияда ўрнашиб олган семит қабилаларининг тили аккад тили деб аталади. Демак, месопотамияликларда қадим замонлардан бери тил ва ёзув шаклланган. Бу эса табиий қулай шарт-шароитлар билан биргаликда бу ерда истиқомат қиляётган халқларнинг ўзига хос маданиятга эга бўлишини таъминланган. Бундан ташқари шимолий Месопотамияда ҳозирги Ироқ, Туркия, Арманистон ҳамда Эрон ҳудудларида ҳам энг қадимги даврлардаёқ цивилизациявий жараёнлар ривожланиб борган. Иқлимнинг қулайлиги натижасида бу ерларда қадимги овчилик, зироатчилик,

балиқчилик, дехқончилик ва чорвадорлик жамоалари ўз манзилгоҳларини барпо этганлар. Жон Меллартнинг синхрон жадвали асосида келтирсак, Ироқдаги Эль Убейд маданияти сўнгги халколит (мил.ав. V минг йиллик охири -IV мингйилликларга тўғри келади [56, 15-б.]. шунингдек, Месопотамия цивилизацияси тарихида Қадимг Бобил подшоҳлиги, хусусан, Хаммурапи ҳукмронлиги даври ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Негаки, Хаммурапи томонидан қонун-қоидалар тузилган бўлиб, улар мамлакатда жорий қилинган эди. Хуллас, бугунги кунда жаҳон цивилизацияси тизимида Қадимги Месопотамия цивилизациясини ҳар томонлама тадқиқ этиш, ўрганиш ва келажак авлодлар учун ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Месопотамия цивилизация жаҳон цивилизациялари тарихида алоҳида ўрин эгаллаб, ўзининг қадимийлиги, ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу битирув-малакавий ишда Қадимги Месопотамиядаги Аккад, Шумер, Аморийлар давлатларидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволни тарихий-археологик манбалар ва адабиётлар асосида кўрсатиб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Шундан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

- Қадимги Месопотамия тарихига назар солиб, унинг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрнини очиб бериш;
- энг қадимги даврларда Месопотамияда мавжуд бўлган Хассун, Самара, Халаф маданиятлари ҳақида тушунча бериш;
- Эль Убейд маданиятининг икки дарё оралиғида тутган ўрнини алоҳида ўрганиш;
- Ассирия ва Қадимги Бобил подшоҳлиги даври ҳақида маълумот келтириш,
- Аккад, Шумер ва Аморийлар давлатлари даврида Месопотамия тарихини таҳлил қилиш;

- Хаммурапи қонунларининг Месопотамия цивилизацияси тарихидаги ўрнини очиб бериш;

- Қадимги Месопотамия маданияти ҳақида тушунча бериб, унинг ютуқларини очиб бериш ва жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни тўғрисида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Ишдаги янгилик ва эришилган натижалар. Қадимги Месопотамия давлатчилигининг илк босқичлари милoddан аввалги 6-5 мингйилликларга тўғри келиши ҳақида далолат берувчи Хассун, Самарра, Халаф, Эль-Убейд маданиятлари ва уларга оид археологик далилий ашёларни ҳар томонлама тавсифлаш, таҳлил қилиш ва ўрганиш қадим дунё тарихи, қадимги цивилизациялар тарихини ўрганишда муҳим касб этади. Шунингдек, Аккад, Шумер, Аморийлар, Ассирия давлатларидаги маданият тарихи бу даврдла яратилган нодир ёдгорликлар аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилдик. Қадимги Месопотамияда жорий этилган Хаммурапи қонунларининг ўрни очиб берилди. Умуман олганда, маълумотларни умумлаштириб, яхлит бир тизимга келтиришга ҳаракат қилдик. Бу ҳақда ўзбек тилида манба ва адабиётлар йўқ бўлиб, битирув-малакавий ишда келтирилган маълумотлар янгилик ҳисобланади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Бугунги кунда қадимги давр, айниқса Қадимги Шарқ тарихига, давлатчилик тарихига, илк шаҳар ва давлатлар пайдо бўлиши ва шаклланиши муаммосига тарихчи олимлар алоҳида эътибор беришмоқда. Шу муносабат билан жаҳондаги энг қадимги цивилизациялардан бири ҳисобланган Месопотамия цивилизациясида муҳим ўрин эгаллаган Аккад, Шумер ва Аморийлар давлатлари тарихини тадқиқ этиш ва ёш авлодга етказиш, уларни жаҳон тарихининг ёрқин саҳифалари билан қуроллантириш, билимларига билим қўшиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур»[1]. Президентимиз И.А.Каримов бошлаб берган ташаббус орқали Ватанимизни мустақил бўлиши, республика халқини бутун

жаҳонга танитди. Мана шундан фойдаланиб, биз ҳам олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимизни холисона фикр орқали баён этишимиз мумкин.

Ушбу ишни бажаришда «Тарих» кафедраси, университет ахборот-ресурс маркази фондларидан, доцент О.Назаровнинг шахсий кутубхонасидаги китоблардан, шунингдек, ИНТЕРНЕТ маълумотларидан фойдаландик.

Ишнинг тузилиши. Мазкур битирув-малакавий иш Кириш, адабиётлар таҳлили, танланган объектлар ва тадқиқот методлари, асосий қисмнинг 3-та боби, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қадимги Месопотамия тарихига оид манбалар моддий маданият ёдгорликлари, хўжалик хужжатлари, юридик хужжатлар, дипломатик хужжатлар, тарихий мазмундаги ёзув ва битиклар, шумер-аккад тилидаги эзма ёдгорликлар, антик муаллифларнинг асарлари ҳисобланади. Улар асосан XX аср бошлари ва иккинчи ярмида рус олимларининг таржимаси асосида чоп этилган хрестоматияларда келтирилган [38, 67, 68, 69]. Қадимги Месопотамия цивилизациясини ўрганишда Қадимги Шарқ маданияти ва санъати тарихига бағишланган дарслик, илмий-оммабоп нашрлар ва монографиялар алоҳида аҳамият касб этади. Уларда қадимги дунё халқларининг маданий тараққиётида рўй берган асосий ютуқлар акс эттирилган. Бир мунча кенгайтирилган маълумотлар Қадимги Месопотамия тарихи ва маданиятига бағишланган махсус асарларда келтирилган. Улар қаторига Э.Кленгель-Брандт, И.С.Клочков, А.Л.Оппенхейм, Н.Д.Флиттнер китобларини киритиш мумкин. Бу муаллифлар китобларида қадимги Месопотамия цивилизациясига ҳар томонлама тавсиф берилган, асосий маданий ёдгорликлар ҳақида тушунча берилган [45, 47, 58, 66]. Айниқса, Москвадаги Шарқ адабиётининг Бош тахририяти томонидан «Шарқдаги изсиз йўқолган маданиятлар изларидан» ([По следам исчезнувших культур Востока](#)) туркумида чоп этилган адабиётлардан С. Ллойднинг «Месопотамия археологияси», А.Оппенхеймнинг «Қадимги Месопотамия. Йўқолган цивилизация портрети» [50, 59] илмий нашрларни кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари Қадимги Месопотамия, жумладан Қадимги Бобилнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти тарихи ҳамда Месопотамияда ишлаб чиқилган ва амал қилган қонун-қоидалар Б.А.Тўраевнинг "Қадимги Шарқ тарихи", В.В.Струвенинг "Қадимги Шарқ тарихи", М.М.Дьяконовнинг "Қадимги Икки дарё оралиғининг ижтимоий ва давлат тузилиши", И.М.Дьяконов тахрири остидаги «Қадимги Шарқ

таърихи»нинг Месопотамия таърихига бағишланган 1-китобида, М.А.Дандамаевнинг "Қадимги Бобилда қулдорлик» каби бир қатор китобларда баён қилинган [64, 62, 40, 42, 36].

Бу адабиётларда мавзумиз юзасидан ҳам оз-оз маълумотлар мавжуд. Шимолий Месопотамиядаги Аккад, Шумер, Ассирия, Қадимги Бобил, шунингдек, Ироқ худудида энг қадимги даврларда мавжуд бўлган Хассун, Самарра, Халаф, Эль Убейд маданиятлари бу ерда XX аср 60-70 йилларида археологик изланишлар олиб борган олимларнинг монографик асарларида, мақолаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, бу ҳақда Р.Мунчаев раҳбарлигидаги экспедиция олимларининг археологик кашфиётлари натижаларини акс эттирган илмий ишларида маълумотлар бор [57]. Қадимги Месопотамиядаги цивилизация ўчоқларини хорижий археологлар, жумладан Ж.Мелларт ҳам илмий асосланган ҳолда тавсифлаб берган [56].

Қадимги Месопотамия цивилизациясининг алоҳида масалалари ва муаммолари XX асрнинг турли йилларида турли нашрларда чоп этилган илмий мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Н.Я.Мерперт ва Р.М.Мунчаевларнинг бошқа олимлар билан биргаликда олиб борилган археологик изланишларининг натижалари мунтазам равишда чоп этирилган [14,15,16,17,18,19,20,21,22].

Бугунги кунда ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди [25,26,27,28,29,30,31]. Мавзу юзасидан берилган маълумотлар асосан рус тилида бўлиб, кўплаб ўхшаш томонлари мавжуд. Шунга қарамасдан, уларни ўрганиш ва умумлаштириш ниҳоятда қизиқарли бўлди.

Шуни таъкидлаш зарурки, ўзбек тилида дарслик, ўқув қўлланма ва маъруза матнларидаги алоҳидла мавзуларда Қадимги Месопотамиянинг қисқача таърихи ёритилган бўлса-да, катта ҳажмдаги махсус адабиёт ёки тадқиқот йўқ.

Танланган объектлар (қўйилган масала ва муаммолар) ва тадқиқот методлари

Мазкур битирув-малакавий ишимизнинг 1 боби Месопотамиядаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик асослари деб номланиб, унда Хассун, Самарра, Халаф, Эль-Убейд ва Ассирия тарихига тўхталган.

2-боб бевосита Аккад, Шумер ва Аморийлар давлатлари тарихига бағишланган.

Ишнинг 3-бобида эса Қадимги Месопотамия цивилизациясининг жаҳон цивилизацияси ҳақида сўз юритилиб, моддий ва маънавий маданияти, илмий билимлар ва шаҳарсозликнинг ривожланиши, Месопотамия цивилизациясининг тарихий ўрни каби масалалар ёритилади.

Ишда тарих фанининг илмийлик, холислик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш методларига таянилди, узвийлик, давомийлик тамойилларига амал қилинди ҳамда бугунги кунда дунё олимлари томонидан эътироф этилаётган цивилизация услубга ҳам таянилди ва тақдимот усулидан фойдаланилди.

1-БОБ. МЕСОПОТАМИЯДАГИ ИЛК ШАҲАРСОЗЛИК ВА ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИ

1.1. Шимолий Месопотамиядаги Хассун, Самарра, Халаф ва Эль-Убейд маданиятлари

Маълумки, Эль-Убейд маданияти даври бошланишидан олдин Месопотамиянинг Шимолий Ироқ қисмида Хассун ва Самарра, Жанубий Ироқда эса Эриду ва Хажж Муҳаммад маданиятлари тарқалган эди. Хассун маданияти фақат Шимолий Ироққа мансубдир. Дастлабки босқичлар учун монохром кремланган сополлар характерли бўлиб, улар 3 та бир-бирини алмаштирган қатламларда (Ia-IIc) топилган. Бу маданиятнинг гуллаб-яшнаган даври эса II-IV қатламларда намоён бўлади. Археологик қазишмалар натижасида бу даврга оид катта бўлмаган тўғри тўрт бурчакли уйлар топилган. Уларда бир нечта хона бўлиб, хом ғиштдан қурилган. Поли қамишли циновкалар билан қопланган. Хоналарда озиқ-овқат сақлайдиган ўралар мавжуд бўлиб, айримларида ҳатто қабрлар ҳам бор [56, 66-б.].

Хассун маданиятига оид сопол буюмлар 3та гуруҳга бўлинади: 1)қўпол тасвирсиз; 2) тасвирсиз, лекин ўйилган нақшлари бор; 3) кремранг фонга қизил бўёқ билан тасвирлар туширилган ёки тасвирли ва ўйилган нақшли буюмлар. Сополчилик ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу сопол буюмларини олимлар одатда «архаик» ва «стандарт» турларига ажратишади. IV қурилиш горизонтдан бошлаб (мил.ав. 5500 й.) янги тасвирли сопол буюмлар пайдо бўлади. Айрим олимлар фикрича, бу буюмлар бошқа худудлар олиб келинган бўлиши мумкин. Ушбу такомиллашган сопол буюмлар Самарра сополлари номи остида машҳурдир. Тасвирли сополлар ва тасвир билан ўйилган нақшларни ўзида мужассам этган сополлар биргаликда учрайди.

Бу даврда Месопотамияда илк бор хайвонлар ва одамларнинг натуралистик тасвирлари, ҳамда катта косаларнинг ички томонида жойлашган мураккаб композициялар пайдо бўлади. Кўза ва хумларнинг шакллари ўзгариб боради, улардаги тасвирларда, айниқса рельефли нақшларда одам фигураси кўриниб туради. Самарра даври сополлари Шимолий Сурияда ҳам кўп топилган. Унинг бу ерда пайдо бўлиши Халаф маданиятидан олдин ёки биргаликда – мил.ав. 5400 йилда пайдо бўлиши мумкин. Кўпсонли турар жойлар ва манзилгоҳларда иккала маданият излари топилган бўлиб, аммо Самарра маданиятининг келиб чиқиши, Хассун ва Халаф маданиятлари сингари ҳануз муаммо бўлиб келмоқда.

Хассун, Самарра ва Халаф маданиятларини хронологик жиҳатдан қиёслаш авваламбор қазилма ишлари ва типологик кузатувлар асосида олинган натижаларга асосланган эди. Бугунги кунда мазкур маълумотларнинг кўпайиши, кўпсонли радиокарбон саналар пайдо бўлгани туфайли бу мутаносиблик қайта кўриб чиқилмоқда. Ушбу маданиятлардаги кўпчилик хусусиятлар ва белгилар илгари изчил мавжуд бўлган деб ҳисобланган бўлса, эндиликда улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг натижаси деб қаралмоқда. Бу маданиятлар эндиликда қисман синхрон деб тавсифланмоқда: Месопотамия шимолида илк Халаф, жанубда Самарра ва улар оралиғида Хассун. Айни вақтда Самарра маданияти, тахминларча, Хассун маданияти йўқ бўлиб кетганидан сўнг ҳам мавжуд бўлган, Халаф маданияти эса Самарра маданиятидан кейин ҳам мавжуд эди [31].

Айрим тадқиқотчилар фикрича, Самарра маданияти дастлаб Эронда пайдо бўлган бўлса, бошқалари Самарра сополчилигини Хассун маданиятининг давомчиси деб ҳисоблайдилар. Бу фикрлардан ҳеч қайси бугунги кунда жиддий равишда асосланмайди. Бугунги кун олимлар нуктаи назарига кўра, эрон маданиятлари тепаликлардан (Телль шимшара) мустаҳкам ўрнашиб олган Самарра маданиятининг айрим белгиларини ўзлаштирган бўлиши мумкин, чунки Самарра маданияти Хассун

маданиятининг давомчиси бўлганда эди, унинг сопол буюмлари Хассун сополларидан шу тариқа ўзига хос белгилари билан ажралиб турмасди. Марказий Эронда бир қатор манзилгоҳлар (масалан, Телль эс-Саввана) ҳамда Мандали ёнида бир гуруҳ манзилгоҳларнинг (Чога Мам ива б.) очилиши Самарра маданиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон берди ва у мустақил маданият эканлигини тасдиқлади. Унинг асосий белгиси суғорма деҳқончиликнинг ривожидир. Бу эса аҳоли фаровонлигининг ошишига олиб келди. Кўпхонали турар жойлардан иборат йирик-йирик манзилгоҳлар қалин муҳофаа деворлари билан ўралган эди. Телль эс-Савванада ўзига хос режага эга бўлган ибодатхоналар бўлган. Тасвирий санъат жуда бой бўлганидан тош ва сополдан ясалган сополлардаги ажойиб нақшлар, антропоморф ҳайкалчалар далолат беради. Улар кейинги, Убейд маданиятига ўхшашдир [17].

Айни вақтда Самарра маданияти ҳақида маълумотлар жуда кам. Сопол буюмлардан ташқари Багуз меъморчилиги унинг асосий кўринишлари ҳисобланади. Бу манзилгоҳдан бир қатор меҳнат қуроллари топилган бўлиб, Сурия ва Фаластиндаги қуролларга ўхшаб кетади. Самаррада металл буюмлар ҳам бўлган, чунки бу даврда Анатолия темирчилари мисдан ҳарбий қурол-яроғлар ва билагузуклар ясаган.

Шундай қилиб, Хассун ва Самарра маданиятлари даврининг муҳим хусусиятларидан бир шу бўлдики, улар га оид манзилгоҳлар лалми деҳқончилик учун қулай бўлган иқлимга эга ҳудудда жойлашган эди. Албатта, суғорма деҳқончилик Самарра маданиятининг асоси ҳисобланган. Унинг энг қадимги манзилгоҳлари Дажла дарёси бўйлаб жойлашган ва деҳқонлар дарё тошганидан фойдаланиб, далаларини суғоришган. Дастлаб, сувни ушлаб турувчи оддий тўғонлар қурилган бўлса, кейинчалик каналлар қазилган. Мандалидан шимолроқда канал излари аниқланган бўлиб, милоддан аввалги VI мингйилликка оидлиги кўрсатилади. Мил.ав. V минг

йиллик бошларида эса (Убейд 3 даври) Мандали ёнидаги канал 4-6 метр кенгликда бўлган [18].

Самарра маданиятининг таъсири жанубдаги Жафаробод I (ёки Сузиана I), Хузистон, Эриду каби Месопотамия жанубидаги маданиятларга катта бўлган.

Суза атрофларида ўзига хос безакли сопол буюмлардан ташқари илк Хассун типилдаги монохром сополлар ҳам учрайди. Хассун маданиятининг монохром архаик (ёки неолитик) сополлари Жаронинг юқори қатламларида ҳам аниқланган ва Рас Шамрадан то Сузагача тарқалган бўлиши мумкин. Сузианадани безакли сопол буюмлар шакли билан ҳам, нақши билан ҳам Самарра маданиятига оид буюмларга ўхшайди.

Онатўлидан ташқарида маълум бўлган сопол неолитига оид кўпчилик маданиятлардан фарқи ўлароқ, Халаф маданияти ҳақидаги тасаввурларга археологик қазил ишлари натижасида эга бўлинди. Бу маданиятнинг типик манзилгоҳи Апрачия манзилгоҳи бўлиб, у Мосул ёнида жойлашган. Мазкур маданиятга ном берган Телль Халафда эса сополлар стратификация қилинмаган ҳолда кейинги даврда қурилган иншоотлар харобаларидан топилган. Тахминларча, бу даврда металл кенг тарқалган эди, шунинг учун уни «халколит» деб аташади.

Халаф маданияти ҳудуди Фрот ва Катта Заб оралиғидаги ярим доирани қамраган бўлиб, унинг жанубий чегаралари аниқ белгиланган, шимолий чегаралари эса Тавр тоғларигача бориб етади, алоҳида жойларда ундан ҳам шимолроққа, платогача кириб боради.

Халаф маданияти Хассун ёки Самара маданиятлари билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган айниқса қудратли бирлашма эди. Тахминларча, у шимолдан келган келгинди халқлар томонидан яратилган бўлиши мумкин. Айрим олимлар унинг дастлабки Ватани «Туркия Месопотамияси»да бўлганини таъкидлашади [56,112-б.]. Сополчиликда ушбу маданиятга оид иккита асосий вариант фарқланади. Шарқий вариант айниқса машҳур бўлиб,

Арпачия ва Тепа Гаврда, Мосул ёнида жойлашган. Фарбий варианти эса Сурияда жойлашган бўлиб, унинг характерли манзилгоҳлари Чагар Базар, Телль Халаф ва Юнус Кархемиш ҳисобланади. Вариантлардан ҳар бири сопол шаклларида ва нақшинкорликда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тараққиётнинг уч босқичи ва юксалаётган нафсиликни акс эттиради.

Энг қадимги сополчилик оддий шаклларга эга бўлиб, улар орасида «крем учун пиёлачалар» бор. Уларда натуралистик нақшлар ҳукмронлик қилади. Масалан, мазкур пиёлачалар буқа ёки муфлонлар боши, ёхуд бўлмаса леопард, буғу, илон, чаён, онарг каби ҳайвон ва турли қушларнинг бутун фигуралари тасвирланган. Бундан ташқари одамлар, дарахтлар, ўсимликлар ва гуллар ҳам схематик тарзда тасвирланган. Кўзаларда бири-бирига яқин жойлаштирилган тўғри ва тўлқинсимон чизиқлар, нуқтала рва доирачалардан иборат фризлар жойлаштирилган бўлиб, Чатал Хююк давридаги сополлардаги нақшлардан бирини эслатади. Худди шундай оддий безакларни бугунги кунда ҳам Яқин Шарқдаги бозорларда сотилаётган мисс кўзаларда учратиш мумкин.

Халаф маданиятига оид сопо идишларнинг кўпчилик шакллари металлдан ишланган идишларга ўхшаш бўлган. Тахминларча, металлдан ишланган бундай қадимги идишлар ушбу ажойиб цивилизацияда ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Халаф маданияти марказининг ёнида жойлашган Диарбекир ҳудудида металл буюмларни ишлаб чиқариш қадимдан ривожланган. Диарбекир – туркчадан «мисс ер» деган маънони билдиради. Бу тахмин муҳим бўлиб, тарихчи ва археологларнинг диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Илк Халаф сополчилиги ўрик рангли фонда бўлиб, қизил ёки қора бўёқли нақшлар билан безатилган ва яхши силлиқланган. Ўрта даврда бирмунча мураккаб шакллардаги сопол буюмлар ишлаб чиқарилган бўлиб, уларга крем суртилган ва тепа қисми букланган ва ўткирлаштирилган эди. Натуралистик мотивлар йўқ бўлиб, букраниялар янада

стилизациялаштирилади. Буюмларга хос нақшлар моҳирлик билан ишланган геометрик композициялардан иборат бўлади. Бу нақшлар кўп ҳолларда газламалардаги нақшларни эслатиб, эгри чизиқлар, нарвончалар, нуқталар, қуёш ва юлдузлардан тузилади.

Сўнгги даврда шарқда катта полихром «тарелка»лар ишлаб чиқарилиб, уларнинг марказий қисми нақшли розетка ва Мальта хочи шаклида ишланган. Улар Яқин Шарқ сополчилик санъатининг машҳур асари ҳисобланади.

Сополчилик – Халаф цивилизациясининг энг ажойиб ютуғи бўлса-да, унинг бошқа қизиқарли хусусиятлари ҳам мавжуд. Халаф маданиятининг меъморчилиги, дини, тош ўймакорлиги, тўқимачилиги, савдо-сотиғи ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.

Халаф даври меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари яхши маълумдир. Манзилгоҳлар икки хонали уйлардан иборат бўлиб, тош терилган кўчаларнинг икки томонида жойлашган. Ҳар бир уйда думалок гумбазли хона ва узун тўртбурчак шаклидаги вестибюль бўлган. Бундай ёғочли уй кўринишида тош бўйин беағи ҳам қилинган эди. Бу уйлар тошдан қурилган фундамент устида қурилган. Унинг деворлари шакл берилмаган ғиштдан терилган, чунки бу даврда шакл берилган ғиштлар яшани Месопотамияда ҳали билишмаган.

Телль Турлу (Фротнинг ғарбий қисмида) манзилгоҳидаги уйларда нон ёпадиган тандирлар, ўчоқлар ва қўнғироқсимон ўралар топилган. Бу ўраларда турли озиқ-овқат сақланган. Демак, бундай уйлар яшаш жойлари бўлган. Айрим олимлар Арпачиядаги бундай уйларни ибодатхона деб тахмин қилишган. Бу уйлардан энг каттасининг девори 2 дан 2,5 метргача қалинликда бўлган. Гумбазсимон хоналар диаметри 10 метргача етади, вестибюльнинг узунлиги эса 19 метргача. Юнусдаги гумбазсимон хоналарнинг диаметри 6 метргача бўлган [56, 114-115-б.]. Арпачиядаги яккаю-ягона тўғри тўртбурчакли иншоот юқори қатламдан топилган

сополчилик устахонаси ҳисобланади. Аммо лекин Суриядаги Телль Асвад деган жойда, Балих дарёси бўйидан топилган ва буқа шохлари билан безатилган ибодатхона ҳам тўғри тўртбурчак шаклида бўлган. Демалок шаклдаги иншоотлар на Киликияда, ва на Суриянинг Фрот дарёсининг ғарбий қисмида мавжуд бўлмаган. Бу ерларда тўғри тўртбурчакли меъморчилик мавжуд бўлган. Арпачияда қабристонлар ҳам топилган бўлиб, улардаги буюмлар жуда кўп, ҳатто лойдан ясалган ҳайкалчалар ҳам бор.

Халаф маданиятининг ташувчилари деҳқончилик билан шуғулланганлар. Бу ҳақда юзлаб топилган ўроқлар, чақмоқтошдан ишланган меҳнат қуроллари, совунтошдан ишланган ўроқлар деҳқончиликнинг ривожланганидан дарак беради. Аҳоли эммер ўсимлиги ва арпа етиштирган. Мой олиш учун, тола олиш учун зиғирпоя ўстирганлар [11].

Кўзалардаги расмлар шу ҳақда далолат берадики, бу ерда тўқимачилик ҳам юқори ривожланган эди. Асосан жўн матолар ишлаб чиқарилган. Олимларнинг бу ердаги чорвачилик ҳақида тасаввурлари асосан ҳайкалчалар ва сополчиликка асосланади. Суякдан ишланган буюмлар деярли топилмаган. Тахминларча, бу ерда йирик шохли мол, эчкилар, қўйлар, итлар хонакилаштирилган бўлиши мумкин, бироқ фақат сиви рва эчкилар ҳақида далиллар топилган, холос. Буқага сиғиниш унинг хонакилаштирилганини билдирмайди. Аксинча, кўзаларда тасвирланган ҳайвонларнинг уцлкан шохлари шундан далолат берадики, бу ёввойи буқа бўлган ва эркакларнинг наслдорлиги рамзи сифатида сиғиниш (топиниш) объекти бўлган. Онатўлида худди шу функцияни бажарувчи кўчқор тасвирлари камроқ учрайди.

Аҳоли овчилик билан шуғулланишни давом эттирганлиги ҳақида бу ердан топилган ўқ учрали ва тошотар қуроли ядролари далолат беради. Сақлаб қолинган ва овчилик сахналарини тасвирланган фрагментларда бойлоғлок итлар ва қопқонга тушган буқани тасвирлайди. Кўзалардаги расмларда учрайдиган кўёнлар, онагрлар, тўнғизлар ва кўпсонли қушлар, шубҳасиз, овқат сифатида истеъмол қилинган. кўплаб натуралистик расмлар

сополчилик учун ўзга , бегона бўлиши мумкин. Онатўли билан қиёсланганда улар девор суратларининг нусхаси бўлиши мумкин.

Агар буқа (букрания) ва кўчқор боши эркаклар наслдорлигига сиғинганлигини кўрсатса, кўпсонли ўтирган ёки букланган аёл ҳайкалчалари (эркак ҳайкалчалари йўқ) маъбуда-аёлга топинишнинг ҳам мавжуд бўлганидан далолат беради. Онатўлидаги сингари, мазкур ҳайкалчалар чизиқлар, тасмалар ва хочлар тасвирлари билан безатилган. Бундай безаклар Онатўлида ҳозирги кунгача ҳосилдорлик рамзи ҳисобланади. Ҳайкалчалар жуда оддий. Бошқа сиғиниш рамзлари буқа туёғи (ёки фаллос) кўринишидаги бўйин тақинчоқлари ва иккиталик болта кўринишига эга бўлган мунчоқлар бўлган. Улар ҳам неолит давридаги Онатўлида бўлгани каби, кўзаларда ва матоларда ҳам тасвирланган [20].

Юмшоқ тошдан кўплаб бошқа туморлар ишланган. Бу туморлар ўроқлар, белкураклар кўринишида, ўрдаклар шаклида, уйлар шаклида бўлган. Худди шу хомашёдан квадрат ёки думалоқ шаклидаги муҳрлар ҳам ишланган бўлиб, улар оддий тирқишли нақшлар билан безатилган. Инсон кўлидаги суякларнинг тош моделлари ҳам топилган. Бироқ, обсидиандан ишланган мунчоқлар, пластинкалар ва кўзалар бу давр санъатининг юқори намунаси ҳисобланади. Шубҳасиз, Халаф маданиятининг ташувчилари мис ва кўрғошиндан ҳам фойдаланишган, аммо лойдан ясалган кўзаларнинг шакллари металл бумларникига ўхшаган бўлиб, юксак техника ривожидан дарак беради.

Олимларнинг тахмин қилишича, савдо алоқалари кенг бўлган ва яхши ташкил этилган. Халаф манзилгоҳларида Ван кўли атрфоларидаги обсидиан, Ҳинд океанидаги чаноқлар топилган бўлиб, улар Форс кўрфазидан олиб келинган бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, Халаф сополчилиги Ван кўли ёнидаги Тильки Тепа манзилгоҳидан (у Халаф маданиятининг эмпорийси бўлган бўлиши мумкин) ҳамда мисс ва олтинга бой бўлган Малатиядан ҳам топилган. Халаф

импортининг таъсири Форс кўрфазидан то Ўрта денгизгача бўлган худуддаги сопол буюмлар шаклларида, нақшинкор розеткалар, букраниялар ва безакларда учрайди. Савдо воситачилар ёрдамида олиб борилган на ривожланган жамиятлар томонидан ўз худудларида назорат қилинган. Бу давргача ҳеч бир маданият ҳеч қачон бундай кенг миқёсда савдо экспансиясини амалга оширмаган эди.

Милоддан аввалги VI мингйиллик охири – милоддан аввалги V мингйиллик бошларига оид Халаф маданияти ва Онатўлидаги неолит ва илк халколит даврига оид маданиятлар ўртасида ўхшашликлар мавжудлигини олимлар таъкидлаб ўтишган. Бу иккала маданият ўртасидаги ўхшашликлар, Ж.Меллартнинг фикрига кўра, уларнинг хўжалигида айниқса намоён бўлади. Икки маданиятда ҳам йирик шохли молларни хонакилаштиришган. Айниқса буқага қизиқиш катта бўлган, уни турли буюмларда тасвирлашган. Озиқ-овқат учун кўй, эчки, буғу, оангрлар гўштини истеъмол қилишган бўлиб, бу ҳайвонларнинг тасвири ҳам тасвирий санъатда, Онатўли ва Халаф маданияти ёдгорликларида учрайди [56, 137-138-б.].

Халаф маданиятига оид ёдгорликларнинг шимолга томон йўналганлиги уларнинг аҳолиси келиб чиқиши жиҳатидан тоғ ёнбағирларида истиқомат қилган бўлиб, кейинчалик деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида водийга тушган бўлиши мумкин. Улар ўз маданиятида, айниқса меъморчиликда ўрмонзорли тоғларда яшовчи аҳолининг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолганлар. Ироқ шимолидаги қадимги деҳқончилик манзилгоҳларида XX асрнинг 70-йилларида олиб борилган археологик қазишмаларнинг кўрсатишича, бу худуднинг ривож мураккаб бўлган ва у кам маълум бўлган.

Халаф маданиятига оид Арпачия TT8 ёдгорлиги милоддан аввалги 5288 йил, Уаритдаги Амука В ёдгорлиги эса милоддан аввалги 5450 йил билан белгиланади. Онатўлидаги неолит ва илк халколит даври маданиятлари Халаф маданияти эндигина ривож топаётган даврда яқсон

бўлди ва тахминан милоддан аввалги V мингйиллик бошларидан техник ва маданий тараққиётнинг маркази шимолга силжиган, сўнгра эса Халаф маданиятининг емирилишидан кейин – Месопотамиянинг жанубига силжиган.

Айрим олимлар Яқин Шарқдаги маданий марказнинг шарққа силжишини тасодифий бўлмасдан, балки ғарбий маданиятлар – Хажилар ва Ғарбий Чатал Хююкнинг инқирози натижалари деб тахмин қиладилар. Ғарбдан келиб чиққан хунарманд-косиблар ўзлари учун шарқда янги ҳомийларни топганлигини инобатга олинмаса, Халаф маданиятидаги кўплаб Онатўли маданиятига ўхшаш томонларни тушунтириб бўлмайди. Дин, буқага сиғиниш, металлга ишлов бериш, тўқувчилик, ажойиб идиш-товоқлар, умуман, техник тараққиётнинг юқори даражаси Чатал Хююк, Хажилар ва Жан Ҳасандаги худди шундай хусусиятларни эслатади.

Тахминларча, Халаф маданиятига Месопотамия жанубидан келган келгиндилар чек қўйганлар. Суғориш тармоқларининг кенгайиши Убейд маданияти ташувчиларининг ортиқлигини келтириб чиқарган бўлиши мумкин, чунки улар янги ерларни қидириб топиш учун ҳар томонга силжиб борганлар. Халаф маданияти милоддан аввалги 4400-4300 йилларда йўқ қилинган ёки ер юзидан дом-дараксиз йўқолган бўлиши мумкин [19]. Бироқ алоҳида жойларда унга доир моддий маданият намуналари қолган.

Халаф маданиятининг ғарбий минтақасига қўшни бўлган ҳамда Алепподан Антиохиягача ҳудудларни қамраб олган маданиятнинг кучли Халаф таъсири остида ривожланган бўлиб, айрим жойлардагина Самара анъаналари билан аралшиб кетган эди. Халаф сополчилигининг импорт ива маҳаллий имитациялари Амуқ С ва Рас Шамр, денгиз бўйларидаги маданиятда устуворлик қилиб, бу ерда силлиқланган нақшларнинг маҳаллий анъаналари йўқ бўлиб кетган эди. Бироқ ушбу ҳудуд маҳаллий ўзига хосликни сақлаб қолган бўлиб, бу нарса айниқса Амуқнинг кейинги маданиятида кўзга ташланади. Бу маданият Халаф маданиятидан Убейд

маданиятига ўтиш даврига хосдир. Маҳаллий полихром идишлар пайдо бўлиб, унинг шакллари қисман Халаф, қисман – янги сополчилик билан боғланган ва унда қизил ангобли сополлар кўпроқ учрайди. Кейинчалик бундай сополлар катта ҳудудга, жанубга томон до Фаластингача ёйилади. Тахминларча, ушбу сополларнинг тарқалишига янги аҳолининг пайдо бўлиши ҳам боғлиқдир. Чунки у топилган жойларда маҳаллий анъаналар узилиб, меъморчилик қашшоқлашади ва қуролларнинг янги комплекси тарқалади. Бундай қуроллар Библ, Телль Гхасул, Иорданиянинг сўнгги неолитида айниқса кўп учрайди [20, 59-60-б.].

Олимларнинг фикрича, юу ерда ярим кўчманчи аҳоли истиқомат қилган бўлиши мумкин. Бу маданият билан боғлиқ якаю ягона иншоотлар – Библнинг мустаҳкам бўлмаган уй-жойлари ёки Фаластиндаги думалок ертўлалардир. Иерихон А-В, Телль эш-Шуна сополлари, Иордан дарёси водийси ва денгиз бўйларидаги Вади Рабах сополлари бу маданиятнинг моддий ашёларидир.

Фаластинда бу шимолликлар (яъни шимолдан силжиб келган аҳоли) Ярмук маданиятини, Библда – ўрта неолит маданиятини сиқиб чиқарадилар. Шимолда эса уларни «сўнгги Халаф» безакли сополларининг тарқалиши билан боғлашади. Жанубдаги безакли сополларнинг айрим комплекслари, масалан, Гхрубба (Иерихон IX ёки сополчилик неолити) Суриядан келиб чиқиш изларини сақлаб қолганлар. Библда безакли сополлар йўқ.

Бу маданиятларнинг барчаси учун янги тош индустрияси ва қизил сополчилик характерлидир. Петлясимон дастак ва қулоқли кўзаларнинг асосида тўқилган сават излари қолган бўлиб, коса ва пиёлалар ярим сфера шаклида бўлган ва қовурғасимон қилиб безатилган. Қизил безак тасмалари силлиқ қизил облицовка билан бирга мавжуд бўлган. Бу маданият жуда сустривожланган бўлиб, инкирозий ҳисобланади. Унинг яримкўчманчилик характери ва жуда кам буюмлари шимолдаги Халаф маданияти халокатга учраганидан сўнг умумий инкироз вужудга келгани ҳақида далолат беради.

Рас Шамрда ушбу янги фаза милоддан аввалги 4582 йил билан белгиланади [57, 46-б.].

Милоддан аввалги 3600-3500 йилларда шимолдан янги аҳоли кириб келгани билан бирга Ливан ва Фаластин яна гуллаб-яшнаш даврига кирди. Бу янги аҳоли «энеолит» ва Беершеба-Гхасул маданиятини олиб келди.

Ҳар доимгидек, Шимолий Суриянинг ҳосилдор ва бой ерлари маданиятнинг тезкор тикланишига имкон берди. Жануби-шарқдар келган аҳоли ўзлари билан безакли сополчилик анъанасини олиб келдилар ва кейинчалик бу анъана Оронтаги Хамадан Онатўли платосидаги Малатияга қадар тарқалди. Айримлари Антиохия водийсига кириб келиб, у ерда Амуқ Е ёдгорлигида машҳур бўлган оддий сополчилик буюмларини ишлаб чиқара бошладилар. Бу водийнинг айрим жойларида Телль эш-Шейх типигаги сопол буюмларини ишлаб чиқарувчи бир мунча моҳирроқ келгиндилар ўрнашиб қолдилар. Кейинчалик Телль эш-Шейх сополчилик услуби Рас Шамрга ҳам тарқалди. Бу сополчилик услубида Халаф ва Убейд безаклари уйғунлашиб, чиройли нақшин композицияларни ташкил қилади, аммо умуман олганда сопол буюмларини тайёрлашнинг техник даражаси юқори бўлмаган.

Рас Шамрда эски техник услублар ҳануз мавжуд бўлган: полихром идишлар тайёрланган, шу билан бирга янги сополчилик ҳам пайдо бўлиб, унинг нақшларида Халаф ва Убейд мотивлари бўёқланмаган юзада чуқур нуқтали безаклар билан уйғунлашади.

Рас Шамрда мавжуд бўлган еттита изчил жойлашган қурилиш горизонтлари топилган бўлиб, улар Убейд даврига оиддир. Ўтроқ турмуш тарзи, илгариги фаровонлик, милоддан аввалги 4368 йилда қайтиб келди ва олимлар уни IIIв босқичининг дастлабки Убейд қатлами деб аташди [57, 50-б.].

Киликия худуди Онатўли платосидан то Таврнинг баланд чўққиларигача ва Суриядан то ўрмонзор Уммон (Оман)гача ёйилган бўлиб, унда воқеалар изчиллиги янада мураккаброқ бўлган. Бу ерда Мерсин

ёдгорлигида Халаф таъсири XIX-XVII қатламларда кучли бўлиб, айниқса маҳаллий безакли сополчилик анъанасига катта таъсир кўрсатган. Бу анъана Онатўли платосидаги Конья водийсида ҳам учрайди, ҳатто улар ўзаро боғланган бўлиши мумкинлигини айрим олимлар таъкидлаб ўтишган ҳам. Конья водийсига фақат айрим унча муҳим бўлмаган Халаф маданияти намуналари етиб келган бўлиб, улар савдо-сотик алоқаларининг натижаси бўлиши мумкин. Мерсинда эса, ўз навбатида, 2а қатламдаги Жон Ҳасан маданиятига доир ажойиб полихром сополчилик намуналари топилган бўлиб, улар айниқса Караман манзилгоҳидаги полихром буюмларга ўхшаб кетади. Карамандаги полихром услуб эса Халаф маданиятидан анча олдин мавжуд эди. Онатўли таъсири аста-секин янада кучли бўлиб қолади ва Мерсин XVI даврига келиб мазкур келгинди маданият ушбу машҳур қалъада мустаҳкам ўрнашиб олади. Мерсин XVI қалъаси тахминларга кўра водийнинг шарқий қисмида истиқомат қилган аҳолининг бостириб киришига қарши муҳофаа иншооти вазифасини бажарган.

Эндиликда мисдан ясалган кўп сонли қурол-яроғлар ва қуролланиш асбоб-ускуналари; сополчиликнинг янги шакллари ва безаклари пайдо бўлади. Сопол буюмларидаги безак ва нақшлар Онатўли ва Халаф маданиятига оид безакларга умуман ўхшамайди. Янги киритилган янгиликлардан бири дастлаб пайдо бўлган кўзалардаги дастакларни тилга олиш мумкин. Мерсин қалъасининг вайрон бўлишидан олдин, тахминан милоддан аввалги 4350 йилда –бу ерда дастлабки Убейд импорти пайдо бўлади. Қалъанинг вайрон бўлганидан сўнг эса Убейд таъсири анча кучайиб кетади. Бироқ у ягона эмасди: шунга яқин ўхшашликлар Телль эн Шейх сополчилигида ҳам кузатилади. Сополчиликнинг бошқа бир типи эса Рас Шамр (Шв) билан тор алоқалар бўлганлигидан далолат беради. Бу сополчиликда тирқишланган нақшлар ва безаклар (XV қатлам) устунлик қилади. Бу даврда полихром безакли сопол буюмларни тайёрлаш ҳам давом этаверади [70, 93-94-б.].

Қалъага айлантырилган Мерсин XV ҳам вайрон қилинди. Унинг XIV ва XIII қатламларида маҳаллий Убейд сополчилиги билан бир қаторда Онатўли сополчилиги пайдо бўлади. Онатўли сопол услубида тайёрланган буюмлар кўп ҳолларда нақшларсиз, айрим ҳолларда эса уйилган безаклар билан безатилган. Ниҳоят, Тарс ва водий шарқий қисмидаги манзилгоҳлардаги безакли сопол буюмлари Халаф таъсири ҳануз давом этганидан дарак беради. Тарс манзилгоҳи қабристонидан топилган монохром идишлар Амуқ F, Хама ва Библ билан боғланиб, милoddан аввалги 3500 йилга оид деб ҳисобланади.

Бу даврга келиб Мерсин яна Конья водийси таъсирига дуч келади. Бу ерда тўқ рангли силлиқланган идишлар пайдо бўлиб, улар оқ безаклар билан безатилади. Киликияда эса бундай идишларда силлиқ нақшлар пайдо бўлади.

Милoddан аввалги 3200 йилларда Онатўлидаги янги келгиндилар илк бронза асрига асос соладилар.

Киликиянинг ривожини турли маданиятлар таъсирига дуч келган худудларнинг тараққиёти нақадар мураккаб бўлганини кўрсатади. Шимолий Эрондаги Тепаи Гавра манзилгоҳида ҳам Халаф маданиятидан Убейд маданиятига ўтиш жараёнида содир бўлган сопол буюмларни ишлаб чиқариш техникасидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

Милoddан аввалги 4400-4300 йилларда дастлаб Жанубий Ироқ худудида пайдо бўлган Убейд маданияти бутун Месопотамия бўйлаб тарқалади ва бу жараён Шумер маданиятининг шаклланишига олиб келган янги даврнинг бошланишига туртки бўлади. Бу даврдан бошлаб Месопотамия Яқин Шарқ цивилизациясининг маркази бўлади. Урук давридаги Шумер цивилизациясининг пойдевори ҳисобланадиган ушбу замона бутун ҳажми жиҳатидан сўнгги вақтга бориб тақалади.

Убейд маданияти Месопотамиянинг жанубида пайдо бўлган. Ундан олдин бу ерда бир мунча ривожланган Хўжа Муҳаммад маданияти мавжуд бўлиб, у Жанубий Эронда пайдо бўлган бўлиб, Халаф маданияти таъсирига

учраган. Қуйи Месопотамияда, яъни Киш ёнидаги Рас эль-Амиядан то Эридугача бўлган ҳудудда Убейд маданиятининг ёйилиши, унинг мавжудлиги, гуллаб-яшнаши суғорма деҳқончиликнинг ривожига бевосита боғлиқдир. Маданиятнинг ривожига ва суғориш техникасининг яхшиланиши сабабли бой ва серҳосил водийда аҳоли сони ўсади.

Убейд маданиятининг илк босқичи радиокарбон усули бўйича милoddан аввалги 4325 йил билан белгиланади. Унинг энг илк ёдгорлиги Варкадан топилган. Кейичналик аҳоли Фрот ва Дажла дарёларининг юқори оқимлари бўйлаб силжиб, янги ерларга бориб ўрнашиб олади. Месопотамиянинг узoқ йиллик тарихида бу кўчиб юрган аҳоли бў йўлни босиб ўтган дастлабки аҳоли ҳисобланади, улардан кейин бошқалар ҳам бу ерларга кўчиб кела бошлаган [25].

Илгари маданият ютуқлари шимол ва шарқдан ёйилган бўлса, эндиликда шимолдаги Халаф маданияти вайрон қилинган эди. Унинг айрим пунктларида босқинчиларга қарши кураш ҳам олиб борилган, жумладан Арпачияда вайрон қилинган бинолар ва аҳолининг оммавий қирилганлиги излари топилган. Эндиликда Халаф маданиятининг бутун улкан ҳудудида Убейд маданиятига оид сопол буюмларини топишмоқда. Тавр тоғлари шимолида ҳам – Малатия, Элазих ва Палу водийларида Убейд маданияти излари топилмоқда. Шимоли-ғарбда Убей маданиятининг таъсири Киликиядаги Мерсингача чўзилиб, бу ерда тугамасдан, бошқа ҳудудларга ўтиб кетади. Хамадан жануби-ғарбда, Оронда Убейд сополчилиги ёйилишининг жанубий чегараси белгиланади. Шимоли-шарқда бу чегара Озарбайжонгача етади. Озарбайжондаги Урмия кўлидан жанубий ва ғарбий ҳудудларда, айниқса Пишдели манзилгоҳида топилган сопол буюмлар Убейд маданиятига оид сопол буюмларига айниқса ўхшаб кетади. шунинг учун ҳам уни олимлар Убейд сополчилигининг маҳаллий варианты деб аташади. Шарқда Убейд маданиятининг алоқалари Хузистонгача бориб етади ва шарққа олиб борадиган савдо йўллари шаклланади.

Ҳеч қачон ҳеч бир маданият бундай улкан ҳудудларга ҳаттоки юзаки таъсирни ўтказган эмас. Муҳим бўлмаган вариантларга қарамай, сополчилик бирмунча бир хилдадир. Қўлда тайёрланган бўлишига қарамасдан, техник жиҳатдан у жуда такомиллашган. Оддий чизиқли монохром нақшлар гўзал Халаф идишларини ишлатган одамларга эстетик зав-шавқ бағишлаши мумкин эмас, албатта. Шимолда металлга ишлов бериш соҳасида муҳим ютуқлар қўлга киритилган эди. Бу ерда мисдан қуйилган болталар ишлаб чиқара бошланади. Дастлаб олтин ҳам пайдо бўлади. Олтиндан турли буюмлар бу даврнинг охирига тайёрланади. Жанубда эса металл деярли ишлатилмайди, шунинг учун ҳам Убейдликларнинг ҳарбий муваффақиятлари ва ғалабаларини уларнинг қуролланиш жиҳатидан устун эканлигидадир, де байта олмаймиз.

Илк маданиятлар билан бўлгани каби, Убейд даври маданиятининг қудратли ва кучли бўлишига савдоқсотикнинг юксалиши ва деҳқончиликнинг ривожига сабаб бўлган. Шаҳарларда аҳоли кўпсонли бўлгани ҳақида бу ердаги Убейд даврига оид каттакон иншоотлар ва улкан қабристонлар далолат беради. Эридудаги қабристонда 1000га яқин қабрлар мавжуд. Хўжалик ҳақида маълумотлар жуда кам. Бу даврга оид санъат асарларида Халаф даврига оид йирик шохли чорва ва қўйлар ўрнига кўпроқ хонакилаштирилган така ва эчкилар учрайди. Ҳайвонлар орасидаги одамларни тасвирловчи ҳаётий сахна кўринишлари Гаврда топилган. Бу тасвирлар стеатит, диорит, серпентин, гематит, узоқ Бадахшондан келтирилган лазуритдан ишланган муҳрларда ҳам учрайди. Убейд даврига оид ушбу кичкина муҳрлар Халаф даврига оид муҳрлар билан таққосланганда шу нарса аниқландики, янги цивилизация усталарининг илҳомланиш манбалари илгаригидан фарқ қиларди. Гар Халаф даврига оид муҳрларда асосан геометрик нақшлар устунлик қилса, Убейд маданиятига оид муҳрларда ажойиб натуралистик сахналар тасвирланган. Бундай табиат кўринишларини акс эттирувчи сахналар сополчилик буюмларида ҳам

учрайди. Айниқса Тепаи Гаврдаги топилмаларда одамлар ва ҳайвонлар суратлари ишланган кўплаб сопол буюмлари топилган [22, 107-б.].

Бироқ маданиятдаги ўзгаришларни айниқса шаҳарларда бошланган монументал ибодатхоналар қурилиши тўлақонли акс эттиради. Бу даврда пайдо бўлган хом ғиштдан қурилган улкан иншоотлар тошдан ясалган пойдеворга қурилган бўлиб, қадимги тепалар устида бунёд этилган ва шаҳардаги бошқа иншоотлар устидан ҳукмронлик қилган. Эридуда ибодатхоналар платформалар устига қурилган. Бу платформалар қадимги иншоотларнинг бутланган қолдиқлари устида бунёд этилган ибодатхона миноралари ёки зиккуратларининг дастлабки кўриниши ҳисобланади.

Зинапоялар бинонинг узун деворидаги эшикка олиб борарди. Ибодатхона биносининг ўзи эса узун марказий хона (узунлиги 10 м ва ундан ортиқ бўлган) иборат эди. Хонанинг бир томонида кенг платформа бўлган, бошқа томонидан эса меҳроб бўлган. Марказий хона ҳар тарафдан кичик хоналар билан ўраб олинган. Уларда юқори қаватга ёки томга олиб чиқадиган зинапоялар бўлган. Марказий қисм чеккадаги икки қаватли бинолардан баландроқ бўлган ва учбурчак шаклидаги деразаларга эга бўлган. Бинонинг ташқи қисми буртмалар ва токчалар билан безатилган. Бундай буртма ва токчалар кейинги давр Месопотамия сакрал (ибодатхона ва мақбара) меъморчилиги учун ҳам хос [22, 113-б.].

Тура уй-жойларнинг режалари асосан сакрал иншоотларга ўхшаш бўлган. Улар ташқи деворларнинг ва хоналар ичкарасининг безатилиши билан фарқланган. Тепаи Гавр XVI уйида қора ва кизил бўёқларда бажарилган безак излари сақланиб қолган. XII қатламда бутунлай очилган квартал эса шаҳар ҳаётининг картинасини акс эттиради. XIII қатламда бир гуруҳ монументал ибодатхоналар очиб ўрганилган бўлиб, улар ҳовлининг уч томонида жойлашган. Бу бинолар Эриду ибодатхонасидан янада яққолроқ тарзда Убейд маданияти даври ютуқларини акс эттирадilar. XX аср бошларида кўпчилик археологлар Убейдликларни Ироқ жанубидаги аҳоли

каби (ботқоқлик араблари) ботқоқликларда яшаган аҳоли деб ҳисоблаб, уларнинг уй-жойлари қамишли капалар бўлган, улар асосан овчилик ва балиқчилик билан шуғулланиб, фақат вақти-вақти билан деҳқончилик қилишган, деб ўйлашган [57, 127-б.].

Месопотамияда топилган эль-Убейд даври маданиятига доир манзилгоҳлар ва улардан топилган буюмлар эса мазкур тахминни йўққа чиқарди ва Убейдликларнинг ҳам гуллаб-яшнаган даври бўлганини исботлаб берди.

1.2. Ассирия ва Қадимги Бобил подшоҳлигининг гуллаб-яшнаши ва инқирози

Қадимги Месопотамиядаги биринчи археологик қазишмалар XIX аср ўрталарида унинг шимолий қисми Ассирия жойлашган жойда амалга оширилди. 1842- йил француз дипломати П.Ботта Кунжик тепалигини қазишни бошлади. Чунки бу жой маҳаллий афсоналарга кўра Ассирия давлатининг пойтахти Ниневия бўлган. Аммо тепаликни қазиш айтарли натижа бермагач, у бу ерда ишни тугатиб Хорсабод қишлоғида қазиш ишларини бошлади. У бу жойда 1843 - йил Ассирия подшоси Саргон I нинг Дур-Шаррукин саройи қолдиқларини топди. Ботта топган ёдгорликлар Лувр музейининг Ассирия коллекциясининг асос бўлди [28].

1845 – 1847 йиллар инглиз дипломати Г. Лейярд шарқ тилларини яхши билган ҳолда Нимруд тепалигини қазишни бошлади. Улкан одам, хўкиз, одам-шер хайкаллари бўлган подшо саройлари билан Ассирия пойтахти Ниневия ҳисобланган Кунжик тепалагидан, Ассирия подшоси Синаххериб (ер. авв. VII аср) саройини унинг невараси Ашшурбанипалнинг «Лой китоб»лар билан тўла кутубхонаси билан бирга топилди. Лейярд топилмалари Лондондаги Британия музейи қадимги шарқ коллекциясининг асоси бўлди. Лейярднинг ходими У. Рассам Кунжик тепалигида қазиш

ишларини давом эттирди ва ҳарбий манзаралар тасвирланган ажойиб рельефли бой подшо кутубхонаси билан Ашшурбанипалнинг саройини топди. Рассам томонидан Нимруд яқинидаги Балават деган жойда эр. авв. IX асрга оид Ассирия ёдгорликлари жумладан, ҳарбий юриш ва хирож келтириш тасвирланган 4 жез плита Балават дарвозаси қопламаси топилди [28].

Инглиз олимлари томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида қадимги шумер шаҳарлари Урук, Ларса ва Эреду қазиб очилди. XIX асрнинг охирида француз археологлари Шумер шаҳри Лагаш ва унинг ҳукмдорларини кўп сонли ҳайкалларини асосан, Гудеанинг кумуш ва алебастр вазаларини, «Калхатлар стеласи»ни, ибодатхона хўжалиги ва 3000 йиллик тарихга эга Ниппур шаҳрини очдилар. Ниппур харобаларидан умумшумер худоси Энлил ибодатхонаси, 6000 лой тахтачадан иборат ибодатхона-кутубхона, сарой, мактаб, бозор, дўконлар уй-жойлар ва хўжалик бинолари топилди. XIX асрда Месопотамиядаги археологик кашфиётлар ҳаммани лол қолдирди. Аммо археологик изланишлар ишқибоз қизиқувчан кишилар томонидан ҳеч қандай илмий режасиз, илмий усулларсиз олиб борилди. Илмий усулдан хабарсизлик бутун-бутун маданий қатламларни йўқотишга олиб келди. XX асрнинг бошларидан археологик изланишлар қатъий илмий усулларга суянган ҳолда олиб борила бошланди. Немис археологи Колдевей Багдод яқинида қадимги Бобил харобаларини очди. 1899-1917-йиллар шаҳар деворлари, Навоҳудоносор II (ер. авв. VII аср) саройи, диний маросимлар кўчаси, бош худо Мардук ибодатхонаси, улкан зиккурат қолдиқлари топилди. Немис археологи В. Андре 1903-1914-йиллар Ассириянинг энг қадимги пойтахти Ашшурни қазиб очди. 1933-1939-йиллар француз Парро Мари шаҳри қолдиқларини қазиб бу ерда подшо Зимрилим саройи (ер.авв. II минг йиллик бошлари), 20 минг лой тахтачадан иборат хўжалик-дипломатик ҳужжатлар архивини топди. 1922-1924 йиллар инглиз олими Д.Вулли қадимги Ур шаҳри харобаларидан ой худоси Наннар,

маъбуда Нингал ибодатхоналарини, подшо Ур-Намму эр. авв. III минг йиллик охирида қурган зиккуратни, илк сулола даврида қурилган мактаб, устахона, бозор, уй-жойлар, ибодатхона, давлат ва хусусий архивларини қазиб очди [50, 48-49 б.].

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европа ва Америка тадқиқотчилари билан биргаликда Ироқ олимлари археологик изланишларда иштирок эта бошладилар. Ироқ олимлари Эреду шахрини, Ниневия харобаларидан подшо Асархаддон саройини очдилар. XIX асрнинг 50-80-йилларидан XX аср бошларигача топилган ёдгорликлар янги илмий усуллар асосида қайта ўрганила бошланди.

XIX аср охиридан бошлаб Месопотамия тарихига оид қатор тадқиқотларни немис олимлари К. Беколд, Б. Майснер, америкалик олимлар А. Алметед, А. Л. Оппенхейм эълон қилдилар. Месопотамия тарихининг қуйидаги йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилаяпти: сиёсий тарих ва давлат қурилиши; шарқ давлатчилигининг ўзига хос хусусиятлари; қадимги Месопотамия ҳуқуқи; маданият ва диний эътиқод этногенези, шумерларнинг келиб чиқиши ва уларнинг семит тилли халқлар билан алоқаси кабилар.

Иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар муаммолари етарлича ўрганилмаган. XIX аср охири XX аср бошларида Э.Меер фикрича ҳар қандай цивилизасия феодализмдан бошланади, капитализм даврига етиб ички карама-қаршиликлари туфайли ҳалок бўлади, шундан сўнг бу сикл яна қайтарилади. Шарқда бу назария бўйича жамият абадий феодализм ҳолатида туради. Шу сабабли XX аср бошларида немис олимлари Б.Майснер, П.Кошакер асарларида қадимги Месопотамия жамияти феодал жамият деб баҳоланади [50, 54-б.].

Месопотамия тарихини ўрганиш марказлари дастлаб Англия ва Францияда ўрнашди. XIX асрда у Германияга кўчди. Европада фашизмнинг пайдо бўлиши кўпгина олимларни АҚШга кўчишига сабаб бўлди. Бу ерда

ҳозир жаҳонга машҳур осуршунослик марказлари ишлайди. Шу билан бирга ҳозир Франция, Италия, Белгия, Голландия, Туркия ва Ироқдаги осуршунослик марказлари самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Қадимги Ассирия даври одатда эр. авв. II минг йилликнинг 1- ярми деб белгиланади. Қадимги Ассирия маркази Ашшур бўлган кичик ҳудудни ўз ичига олган эди. Аммо илк Ассирия жамиятида савдо етакчи ўрин эгаллади. Қадимда Ассирия орқали Кичик Осиё ва Кавказ ортидан Тигр дарёси бўйлаб ўрта ва Жанубий Икки дарё оралиғи ва Эламга, Шарқи й Ўрта Ер денгизидан муҳим савдо йўллари ўтган эди.

Ашшур шаҳри асосий савдо йўлларида ўрнашиб қолиш учун ўз колонияларини барпо қилишга ўринган. Ашшур Кичик Осиёни шарқий қисмини фаол колонизатсия қилган. Бу ердан мис, кўрғошин, кумуш, чорва моллари тери ва ёғоч ташиб кетилган [59, 67-б.].

Қадимги Ассирия жамиятида ибтидоий қулдорлик шаклланган бўлиб, ибтидоий жамоа қолдиқлари сақланиб қолган. Подшо ва ибодатхона ерларида жамоачи ва қулар меҳнат қилган. Ернинг асосий қисмини жамоа ер эгаллиги ташкил қилган. Қулчиликнинг асосий манбалари мулкӣ табақаланиш натижасида эркин жамоачиларнинг қарзи учун қул қилиш ва четдан қул сотиб олиш бўлган.

Эр. авв. XVI асргача Ассирия подшолари Алум-Ашшур, шаҳар-жамоа эса, Ашшур деб аталган. «Кичик ва улуғлар» халқ йиғини ўз аҳамиятини йўқота борган, ҳокимиятнинг олий органи «Шаҳар Уйи» бойлардан тузилган оқсоқоллар кенгаши эди. Кенгаш аъзолари ичидан бир хил муддатга алоҳида лавозимли шахс, «лимму» тайинланиб, у шаҳар хазинасини бошқарган, унинг номи билан жорий йил бошланган. Оқсоқоллар кенгаши суд ва маъмурий ишлар билан шуғулланадиган мансабдор шахс «укуллума»ни тайинлаган. Шаҳар-давлатнинг меросий ҳокими «Ишшиаккум» лавозими ҳам мавжуд бўлиб, у диний вазифаларни бажариб, ибодатхоналар қурилишига раҳбарлик қилган. У уруш вақтида

ҳарбий бошлиқ бўлган. Эр. авв. XX асрда халқаро вазият Ассирия учун ноқулай келган. Фрот ҳавзасида Мари давлати юксалиб, Ашшурнинг ғарб савдосига жиддий тўсиқ бўлган. Хетт давлати Ассирия савдосини Кичик Осиёда тўхтатиб қўйган. Аморий қабилаларини Икки дарё оралиғига юришлари ҳам вазиятни бекарор қилиб Ассирия савдосига зарар етказган.

Фақат эр. авв. 1781 йиллар атрофида аморийлардан бўлган йўлбошчи Шамши –Адад Ашшур шаҳрини ўзини Юқори Месопотамиядаги давлатини марказига айлантирган. Ашшур Икки дарё оралиғининг шимолидаги шаҳарларни босиб олади, Марини бўйсундириб, Кархемиш билан иттифок тузади. Сурия шаҳарлари ҳам босиб олинади. Ашшур ғарб савдосида воситачиликни ўз қўлига олади. Давлат бошқарувида подшонинг мавқеи кучаяди. Шамши-Адад давлат бошқарувини бевосита ўз қўлига олиб, мутлак ҳукмдор сифатида давлат бошлиғи, олий ҳарбий бошлиқ ва судя вазифасини ўтайди. Бошқарувни такомиллаштиришга зарурият туғилади. Мамлакат худуди, аҳолиси округларга бўлиниб, уларни бошқариш учун ноиблар юборилади. Эр. авв. 1757-йилда Шамши Ададнинг ўғли Ишме-Даган даврида Ашшурни Ҳаммураппи босиб олади [59, 78-79-б.].

Эр. авв. 1740-йиллар атрофида касситларнинг Месопотамияга ҳужуми даврида Шамши-Ададнинг авлодлари ҳокимиятни яна ўз қўлларига олдилар. Аммо бу сулола тез орада ҳокимиятни бошқаларга топширишга мажбур бўлади, лекин Шамши-Адад сулоласининг бошқаруви Ашшур тарихининг энг ёрқин даври деб тан олинган, кейинчалик Ассирия подшолари рўйхатида Шамши-Адад ва унинг аждодлари ҳам киритилади.

Ер. авв. XVI асрда Бобил сулоласи қулагач, Ашшур қудратли қўшни давлат Митаннининг тазйиқига қарши Миср билан дипломатик алоқа ўрнатади. бунга қарши эр. авв. XV аср ўрталарида Митанни подшоси Шаушааттар Ашшурни босиб олиб, уни Митаннига қарам қилади. Митанни Ашшурни ғарбга чиқадиган савдо йўлидан бутунлай маҳрум қилади. Кейинги аср бошларида Ашшур Бобилни ҳукмронлигини тан олиш эвазига

Митанни зулмидан озод бўлади ва бир қанча вақт ўтгач Бобилдан тўла мустақил бўлади.

Ўрта Ассирия даври - эр. авв. II минг йилликнинг II ярми билан белгиланади. Эр. авв. 1353-1318-йилларда подшо Ашшурибаллит Ассирияни қудратли давлатга айлантиради. Заифлашиб қолган Митанни хеттлар тазйиқига қарши Ассирияга иттифоқчи сифатида чиқади. Тез орада Ассирия хеттларни юқори Месопотамиядан хайдаб чиқариб, Фрот дарёсига чиқади. Натижада Митаннининг шарқий вилоятлари, бу ердаги диний марказ Ниневия босиб олинади. Митанни, кейинчалик Бобил ҳам Ассирия таъсири остига тушиб қолди [58, 80-б.].

Ассирия шаҳар-давлатдан қудратли давлатга айланиб, етти юз йил давомида ўзининг юришлари билан кўшни ҳудудларга даҳшат туғдирди. Ассирия давлатини шаклланиши эр. авв. 1295-1264-йилларда ҳукмронлик қилган подшо Адад-Нирари даврида тугалланади. У биринчи бўлиб расмий равишда ўзига подшо унвони бериб, Олд Осиё буюк давлатлари ҳукмдорларига тенг бўлган “Буюк подшо” мавқеига даъво қилади. Эр. авв. XIII асрда Хетт давлати Ассирия савдогарларини Кичик Осиёдан сиқиб чиқарди, Мисрни Суриядан маҳрум қилади. Митанни давлати эса Ассирия учун ғарбга чиқадиган йўлни бутунлай ёпади. Эр. авв. XIII-XII аср бошларида Ассирия юқори Месопотамиянинг кўшни ҳудудларини тўрт марта ўзига кўшиб олади ва тўрт марта йўқотади [58, 82-б.].

Осур подшоси Тукулти-Нинурта I (эр. авв. 1233-1197-йиллар) даврида Бобил ва Кавказ ортига ғолибона ҳарбий юришлар уюштиради. Бу подшо Ашшур ўрнига ўзи учун янги пойтахт Кар-Тукулти-Нинурта шаҳрини қурдиради. Аммо унинг ҳукмронлигининг сўнги йилларида хеттлар ва Бобил Ассирияни у босиб олган ҳудудларни катта қисмидан маҳрум қиладилар, бундан ғазабланган Ашшур зодагонлари Тукулти-Нинуртани тахтдан тушуриб ўлдирдилар.

Эр. авв. XII асрда Ассирия тушкунликни бошидан кечиради, Болқон қабилаларидан бўлган мушқлар Фрот дарёси водийсига келиб хетт давлатини ҳалокатга учратдилар, кейин эламликларни ҳужумини қайтардилар.

Подшо Тиглатпаласалар I (ер. авв. 1114-1076-йиллар атрофида.) даврида халқаро вазият Ассирия фойдасига ўзгаради. Бу даврда Хетт подшолиги ҳалокатга учраб, Миср сиёсий тарқоқлик томон йўл тутлади. Ассирия қулай вазиятдан фойдаланиб, шимолий Сурия ва шимолий Финикияни, Кичик Осиёнинг жанубий шарқий қисмини ўз таъсири остига олади. Суриянинг гуллаб-яшнаши эр.авв. XII-XI асрларда Арабистондан оромий қабилаларининг бостириб келиши натижасида тугади [58, 89-б.].

Эр. авв. I минг йилликда Буюк Ассирия ҳарбий давлати замонаси бошланади.

Эр. авв. II минг йилликда Олд Осиёда темирдан кенг миқёсида фойдалана бошланиши, Қадимги Шарқда иқтисодий ўсишга олиб келади. Қуруқлик ва денгиз савдоси кенг ҳажмда ривожланади, Хетт ва Митанни каби қудратли давлатлар тарих сахнасидан тушиб кетдилар. Бобил ва Миср ички ва ташқи сиёсатда тушкунликка юз тутдилар, натижада Яқин Шарқда Ассирия етакчи ўринга чиқиб олди. Ассирия эр. авв. X-VII асрларда ўзининг иқтисодий, ҳарбий қудратини қайта тиклади, сиёсий марказлашув ва барқарорликка эришди. Ассирия бу даврда фаол истилочилик урушлари олиб борди. Бунинг сабаби Ассирия иқтисодиёти учун зарур бўлган хом ашё (металл, ёғоч) тақчил бўлганлиги эди. Иккинчидан, ривожланаётган шаҳарлар ҳунармандчиги ва деҳқончилиги ва қулдорлик хўжалиги учун ишчи кучи - қулларга эҳтиёж тез ўсди. Ассирияни истилочилик урушларини олиб боришининг яна бир сабаби, мамлакат қуруқлик ва денгиз савдо йўллари туташган ҳудудда жойлашгани учун етакчи ўринни эгаллашга интилиши эди [60, 344-б.].

Эр. авв. VIII асрга келиб, Ассирия давлати Шимолий Месопотамияда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди. Ассирия Кичик Осиё ва асосан, Ўрта Ер

денгизининг шарқига ўз таъсирини кучайтиришга уринди. Бу ҳудудлар савдо-хунармандчилик, денгиз савдоси кенг йўлга қўйилган, табиий бойликларга бой эди. Шарқий Ўрта Ер денгизи қирғоқларидан муҳим халқаро савдо йўллари ўтган бўлиб, бу ерда бой савдо – хунармандчилик марказлари Тир, Сидон, Арвад, Библ, Дамашқ ва Кархемиш каби шаҳарлар мавжуд эди.

Ер. авв. XI асрнинг I чорагида Сурия чўлларига, жанубий Суриядан Месопотамия ва қўшни мамлакатларга кўчманчи оромийлар бостириб келдилар; эр. авв. 1000-йиллар атрофида улар Фрот дарёсидан ўтиб Ассирияни бир неча жангларда мағлубиятга учратдилар. Фақат оромийларни истилосини подшо Ададнерари II (ер. авв. 911-891-йиллар), тўхтата олди. Унинг ворислари даврида ҳам Ассирия сиёсий-ҳарбий жиҳатдан Олд Осиёда ўз мавқеини тиклашга ҳаракат қилади. Эр. авв. IX асрда Ассирия оромий қабилаларини Шимолий Сурияда тор-мор қилди. Финикия ва Сурия шаҳар ҳокимларини бўйсундирган Урарту ва Бобил давлатларига қарши ғолибона юришлар уюштирилади.

Ассирия қўшинлари Форс қўлтиғигача етиб бордилар. Эр. авв. 856-853 йилларда Ассирия Сурия шаҳарларининг бирлашган қўшинларига зарба берди. (эр. авв. 853 йилги Оронт дарёси ёнидаги жанг). Эр. авв. 840 йилдагина Фрот дарёсининг ортида 16 юришдан сўнг, Дамашқ подшолиги бўйсундирилади. Ғолибона юришлар бой ўлжаларни қўлга киритиш имкониятини туғдирди. Ассирия ҳукмдорлари Ашшур ва Калху шаҳарларида улуғвор сарой ва ибодатхоналар бунёд қилдилар.

Эр. авв. IX аср Ассириянинг иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан вақтинчалик юксалиш даври бўлди. Шундан сўнг Ассирия узоқ вақт олиб борилган урушлар натижасида заифлашиб қолди. Эр. авв. VIII асрда Ассирия иқтисодий тушкунликка юз тутди. Ички зиддиятлар, қўзғолон ва исёнлар бошланади.

Аммо Ассирияни янгидан юксалиши эр. авв. 745-727-йилларда ҳокимиятни босиб олган ҳарбий бошлиқ, подшо Тиглатпаласар III даврида бошланади. Ғайратли саркарда, моҳир ташкилотчи Тиглатпаласар III подшо ҳокимиятини муцаҳкамлаш учун қатор ислоҳотлар ўтказди. Жумладан вилоятларни кичик-кичик ноибликларга бўлиб юборади, ноиблар устидан марказий ҳокимиятнинг назорати ўрнатилиб, ноибларнинг вазифалари чекланади. Тиглатпаласар III хазинадан маош оладиган кўп сонли мунтазам кўшин тузади ва кўнгиллиларни ҳарбий хизматга чақиришдан воз кечади. Ҳарбий хизматга аҳолининг ўрта ва паст табақалари жалб қилинади [60? 156-б.].

Ассирия кўшини давлат босқинчилик сиёсатининг асосий қуроли бўлган. Кўшин қурулларига қараб бир неча қисмларга бўлинган. Пиёда кўшинлар сон жиҳатдан энг кўп сонли бўлиб, у енгил ва оғир қуруллик қисмларга бўлинган. Эр. авв. IX асрдан бошлаб отлик қисмлар пайдо бўлади. Улар оғир ва енгил қуруллантирилган қисмлардан тузилган эди. Кўшиннинг зарбдор қисми жанг аравалари бўлган. Жанг аравалари кўшиннинг имтиёзли қисми эди, вақт ўтиши билан уларнинг ўрнини отлик қисмлар эгаллайди. Шаҳар ва қалъаларни қамал қилишга Ассирияликлар турли қамал қурулларидан фойдаланганлар.

Ассирия давлатининг учинчи гуллаб-яшнаши эр. авв. VIII асрнинг 40-йилларидан VII- асрнинг 40 йиллари охиригача бўлган даврга тўғри келади. Бу давр Ассирия ва Олд Осиё тарихида алоҳида ўрин тутади. Қайсики Ассириянинг фаол экспансияси унга кўшни бўлган ҳудудлар, давлатлар ижтимоий-сиёсий тараққиётида ҳал қилувчи таъсир ўтказди. Ассириянинг ҳарбий кучга асосланган давлат ҳокимиятининг ташқи сиёсати фақат кўшни мамлакатларга нисбатан ҳарбий тазйиқ ўтказиш орқали ўз таъсири остида тутиб туришга йўналтирилган эди. Бундай сиёсат Олд Осиёнинг ўша даврдаги ва кейинги асрлардаги сиёсий тараққиётига кучли таъсир ўтказди.

Яхши қуролланган кўп сонли кўшин билан Ассирия подшолари Тиглатпаласар III (эр. авв. 745–727-йил), Саргон II (эр. авв. 722-705 йил), Синнаххериб (эр. авв. 705-680 йил), ғолибона юришлар олиб борадилар. Эр. авв. 743-740 йилларда Сурия Шимолий Сурия ва Кичик Осиё ҳокимларини бирлашган кучлари иттифоқи тор-мор қилинади. Урарту давлатига қарши ғолибона юришлар олиб борилади ва мамлакат талон-тарож қилинади. Шарқда Ассирия Мидияни бир қисмига эга бўлади ва бу ерда бир неча провинциялар ташкил қилинади. Эр. авв. 729-йилда Бобил босиб олиниб Ассирия подшоси бу ерда тож кияди. Саргон II (эр. авв. 722-705-й.) даврида эр. авв. 722-йилда Исроил подшолиги босиб олинади. Ҳокимиятни ноқонуний равишда босиб олган Саргон II подшонинг янги қароргоҳи Дур-Шаррукин (“Саргон қалъаси”)ни қуради, унинг авлодлари Саргонийлар Ассирияни унинг ҳалокатигача бошқарганлар [6, 78-б.].

Баджахл подшо-аскар Синаххериб (эр. авв. 705-681-йиллар) пойтахтни Ниневияга кўчиради, у кичик Осиёнинг жанубий-шарқини қўлдан чиқаради, Яҳудияни қаршилигини боцира олмади, уни қўллаган Мисрни енга олмайди. Унинг вориси Асархаддон (эр. авв. 680-669-йиллар) вайрон қилинган Бобилни қайта тиклайди. Бобилни Ассирия билан униядаги алоҳида подшолик деб эътироф этади. Асархаддон шимолий-ғарбда эр. авв. 679-йилда пайдо бўлган душманни бартараф қилиб, Эроннинг шимолий-ғарбида яшаган скифлар билан эр. авв. 672-йилда иттифоқ тузади. У эр. авв. 671-йилда Мисрни босиб олиб, шимолий араб қабилаларини бўйсундиради.

Бу даврда Ассирия давлати чегаралари Нил дарёсининг биринчи остоналаридан Кавказ ортигача, Эрон паст тоғидан Кичик Осиёгача, Ўрта Ер денгизидан Форс қўлтиғигача чўзилади. Бу бепоён давлатни Ассирия бошқариш жуда катта қийинчиликларни туғдиради. Сўнгги подшолар Ассирияни ўзида исёнлар, босиб олинган ҳудудлардаги тўхтовсиз кўзғолонларни боцириш учун жуда катта куч сарфлашга мажбур бўлдилар. Эр. авв. VII–аср ўрталарида Ассирия сиёсий тушкунликка учради. Бобил,

Элам, халдей, оромий ҳокимликлари, Сурия ва Финикия шаҳарларида Ассирия ҳукмронлигига қарши бош кўтардилар. Натижада Ассирия ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бобил ва Мидия биргаликда Ассирияга қарши иттифок тузиб эр. авв. 614-йилда Ашшурни, эр. авв. 612-йилда Ниневияни вайрон қилдилар. Эр. авв. 590-йилда Харран ёнидаги жангда Ассириянинг ҳарбий қудрати тўлиқ синдирилди. Натижада бутун Олд Осиёни тарихда илк бор ягона давлат таркибида бирлаштирган ва бир неча юз йил ҳукмронлик қилган, қадимий Шарқнинг энг катта давлати тарих сахнасидан тушиб кетди.

2-БОБ. АККАД, ШУМЕР ВА АМОРИЙЛАР ДАВРИДА МЕСОПОТАМИЯДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АҲВОЛ

2.1. Аккад, Шумер подшоҳликлари даврида қадимги Месопотамия

Эр. авв. III минг йиллик бошларидан шумерлар жезни ўзлаштира бошладилар. Шу даврдан археологлар илк сулола даврини (ер. авв. 3000-2300-йиллар атрофи) белгилайдилар. Шумер анъанаси эса мамлакат тарихини қайсидир “тўфон”гача ва “тўфондан” кейинги даврга бўлади. Ҳақиқатдан ҳам эр. авв. 2900-йиллар атрофида Қуйи Месопотамияни қазишмаларига кўра “тўфон” бўлган [6, 60-б.].

Шумер тарихи у ёки бу марказнинг сиёсий етакчилигига қараб эр. авв. III минг йилликнинг биринчи ярмида илк сулола даврини ташкил қилган уч босқичга бўлиш қабул қилинган. Бу даврда Киш шаҳри юксалиб I Киш сулоласи ҳукмронлик қилади. Унинг ҳокимлари орасида шумер афсоналари қаҳрамонларидан бири Этана кўзга ташланади. Кишнинг қудрати жуда узоқ вақт хотирада қолиб кейинчалик кўп ҳокимлар «Киш лугали» унвонга эга бўлишга ҳаракат қилганлар, бу унвоннинг эгаси лугал-“етакчи” бўлган. Кишнинг ҳокимларидан бири Этана (ер. авв. XXVIII аср) тўғрисида эпик ривоят шаклланиб, ривоятда у илоҳий бургутда ўзи учун “туғилиш майсаси”га эга бўлиш ва ворис меросхўр олиш учун осмонга худолар олдиға кўтарилади деб ҳикоя қилинади [6, 61-б.].

Кишнинг заифлашуви Урукнинг юксалиши билан бошланган. Эр. авв. 2600-йиллар атрофида Киш шаҳрининг подшоси Агги, Урук шаҳрининг подшоси Гилгамеш (машҳур догон қаҳрамони) томонидан тахтдан туширилади. Гилгамеш бутун Шумерни бирлаштиради. Ривоятларга кўра у худонинг ўғли бўлиб, ўлимидан кейин худо деб улуғланган.

Илк сулола даврининг учинчи босқичида эр. авв. 2550-йиллар атрофида Урукни етакчилиги ўрнига ўзининг шахта сағаналари билан маълум бўлган Ур сулоласи келади. Ур шахри жанубий Месопотамияда етакчилик қила бошлайди. Ур шахрида подшо ҳокимияти кучаяди, ҳукмдорлар учун ҳашаматли сағаналар қурила бошлайди. Вақт ўтиши билан зиддиятлар кучайиб, Ур заифлашиб қўшни Лагаш шахри кучайиб кетади. Лагаш деярли барча Шумер шаҳарларини бўйсундиради, Элам устидан ғалаба қилади. Эр. авв. XXIV асрда Лагашда энси ҳокимияти кучаяди ва у Лагаш бош худоси Нингирсуннинг бош қўшини бўлади. Унинг ҳокимияти уруғчилик муносабатларини емирилиши, савдо-хунармандчиликни ривожланиши натижасида шаҳар аҳолисини турли табақалари томонидан қўллаб-қувватланади [28].

Ибодатхона хўжаликлариға ҳам солиқ солинади, хунарманд, жамоачилардан турли мажбуриятларни ўташ талаб қилинади. Даромад солиғи кўпаяди. Лагашда ижтимоий зиддият кучаяди. Янги «энси» Урукагина ижтимоий зиддиятларни бўшаштириш учун ислохот ўтказди. Олий қўшинлар солиқлардан озод қилинади, ибодатхоналарнинг қарам кишиларға натурал маҳсулот тўлови миқдори оширилиб, уларнинг ҳуқуқлари кафолатланади. Аҳолидан олинадиган солиқ-тўловлар бир қадар камайтиради. Урукагина «Лугал» унвонини қабул қилади. Аммо ички зиддиятлар Лагашни заифлаштиради. Лагашнинг ички қийинчиликларидан фойдаланган Умма шахри подшоси Лугалзагисси эр. авв. XXIV аср охирида Лагашни босиб олиб, бутун Шумерда чорак аср етакчилик мавқеиға эга бўлади. Умма шаҳар-давлати ҳудуди Ўрта Ер денгизидан Форс қўлтиғиғача (шумерча “Юқори денгиздан то қуйи денгизгача”) чўзилиб кетган [28].

Кишнинг фитна қурбони бўлган подшоси Лугалзагиссининг кичик сарой амалдори, келиб чиқиши оддий одамлардан бўлган аккадлик (ривоятларға кўра ташландиқ бўлган ва кейинчалик Киш саройида тарбияланган) Кишнинг бир қисм аҳолиси билан кўримсиз Аккад

шаҳарчасига яширинади. Ўзини Шаррум-кен (“ҳақиқий подшо” замонавий айтилиши Саргон) Саргон, (ер. авв 2316-2361-йиллар) деб эълон қилади. Саргон оммавий енгил қуролланган кўшин тузди. Шумер шимолидаги Аккад давлатига асос солди. У кучли кўшин билан 34 жангдан кейин бутун Шумерни истило қилди. Саргон ўзининг 55- йиллик подшолиги даврида (эр. авв. 2316-2261 йиллар) бутун Месопотамияни Аккад давлати қўл остига бирлаштиради. Бундан ташқари у Кичик Осиё, Кипр, Сурия, Элам ва ҳатто узоқ Жанубий Эронгача ҳарбий юришлар қилади. Саргон давлати ҳудудига аҳмонийларга бўлган бир ярим йил давомида ҳеч ким тенг кела олмади [32, 453-б.].

Саргон давлати олдинги Месопотамия давлатларидан фарқ қилган ҳолда марказлашган давлат эди. Саргон ва унинг ворислари даврида мамлакатда иқтисодиёт, пул-товар муносабатлари, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик юксалади. Подшонинг мустабид ҳокимияти уруғ зодагонларининг, оқсоқоллар кенгашининг кучли қаршилигига учрайди. Подшо уларнинг қаршилигини синдириш, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун хизматдаги зодагонлар, амалдорлар қисман коҳинларга таяниб иш кўради. Баъзи шаҳарларнинг меросий «Жи»лари (ҳокимилари) ўрнига подшо ўз кишиларни тайинлайди. Саргон мунтазам кўшинни ташкил қилиб, ҳарбийларга хизмат учун ер ажратиб беради. Натижада подшо («Шаррум») нинг қудратли ҳокимияти вужудга келади [32, 454-455-б.].

Саргон ва унинг меросхўрлари Римуш, Нарамсуен (ер. авв. 2236-2200-йиллар) подшонинг мустабид ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун исёнчи шаҳарлар, «энси»лар, уруғ зодагонларига қарши мунтазам кураш олиб боришга мажбур бўлганлар. Подшо ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун меросий «энси»ларни, ўз ўғиллари билан алмаштирганлар, меросий ҳокимлар оддий амалдорлар даражасига туширилган. Подшо ички сиёсатда коҳинларга суянади. Коҳинларга кўплаб имтиёзлар берилган. Подшо ва

унинг ўғиллари ибодатхона коҳинлари лавозимини бажарганлар. Коҳинлар Нарамсуенни «аккад худоси» деб тан оладилар.

Нарамсуен фаол ташқи сиёсат олиб боради. Субарту, Элам, Форс қўлтиғига, Загрос тоғларида лулубейларга нисбатан ғолибона юришлари ва ташқи сиёсатдаги ютуқлари учун «дунёнинг тўрт иқлими подшоси» унвонига эга бўлади [41, 79-б.].

Аккад подшолигининг қудратига Месопотамияга Загрос тоғларидан бостириб кирган тоғли қабилалардан бўлган қутийлар чек қўйганлар. Бошида Нарамсуен уларни оғир жангларда енгиб ҳайдаб чиқарди ва ўзи урушда ҳалок бўлди, аммо улар яна бостириб кирдилар. Мамлакат қутийлар томонидан талон-тарож қилинди, Шумернинг маҳаллий ҳокимлари уларга хирож тўладилар. Лагаш ҳокимлари қутийлар ёрдамига таяниб бошқа шаҳарлар устидан маълум даражада ҳукмронлик қилдилар. Жанубий Месопотамияда Лагашнинг зўравонлиги бошқа шаҳар-давлатларнинг қаҳр-ғазабига учради ва қутийлардан озод бўлиш вақтида қўшни шаҳар-давлатлар томонидан Лагаш шаҳри шафқатсиз бузиб ташланади. Қутийлар давридаги Лагаш ҳокимларидан бири Гудеа (эр. авв. 2137-2117-йиллар) ўзининг ёзувлари ва ҳайкаллари билан маълум. Унинг даврида Нингирсу худоси ибодатхонаси атрофида ягона ибодатхона хўжалиги ташкил этилган эди. Гудеа бу худо учун олинадиган махсус солиқ жорий қилади ва қурилиш мажбуриятини киритади. Гудеа Ҳинд дарёси ҳавзаси вилоятлари билан савдо қилади ва Элам билан уруш олиб боради [43, 381-382-б.].

Қутийлар Месопотамияда юз йилга яқин ҳукмронлик қилганлар. Эр. авв. 2109-йил қутийлар Ур подшоси Утухенгал томонидан тор-мор қилинади ва III Ур сулоласи ҳукмронлиги бошланади. Утухенгалнинг сафдоши Ур-Намму (ер. авв. 2106-2094-йиллар) ва унинг ўғли Шулги (ер. авв. 2093-2046-йиллар) ўз давлатларини мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладилар ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширдилар.

Бузилган сунъий суғориш тизими тўлиқ қайта тикланиб, янги-янги канал, тўғонлар кўрилади. Катта ҳажмдаги чорвачилик, дехқончилик хўжаликлари ташкил қилинади, хунармандчилик билан шуғулланадиган подшо устахоналари иши йўлга қўйилади, ташқи савдо кенгайтирилади. Ўлчов бирликлари тартибга солинади. Ибодатхона зиккуратлари, подшо сағаналари курилади. III сулола даврида асосий ер захираси подшо қўлида тўпланди. Жамоа ерлари хусусий қўлларда ўта бошлайди. Подшо жамоачиларни хонавайрон бўлиши жараёнини секинлаштириш учун жамоа ерлари олди-соттисини таъқиқлайди. Аммо ерсизланиш кучайиб кетади. Камбағалларнинг ўз болаларини кул қилиб сотиши, қарз учун вақтинча кул бўлиш одатдаги ҳол бўлиб қолади. Қуллар кўпайиб кетади, кул 9-10 сикл турган. Шумер-аккад подшолигининг давлат бошқаруви III сулола даврида қадимги шарқ подшо ҳокимиятининг тугалланган шакли эди. Подшолар чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб «Ур подшоси, Шумер подшоси ва Аккад подшоси» унвонларига баъзида «дунёнинг тўрт иқлими подшоси» унвонларига эга бўлганлар [43, 386-б.].

2.2. Аморийлар ҳукмронлиги даврида Месопотамия

Эрамиздан аввалги III минг йиллик ўрталарида Фрот ва Дажла (Тигр ва Евфрат) бўйларидаги давлатларнинг ҳосилдор ерларига Сурия томонидан қадимий ёзувда ғарбдан "Марту" қабилалари келиб ўрнаша бошладилар [32, 67-б.].

Милоддан аввалги III минг йиллик охирларида Икки дарё оралиғидаги йирик шаҳар Кадингир бўлиб, уни бошқариш семидлар томонидан бошқарила бошланди. Месопотамиядаги Шумер ва Аккад шаҳар-давлатлари ўртасидаги ўзаро низолар кучайиши сабабли, ғарбдан ажралиб, шарқдан эса эламитлар бостириб кира бошладилар.

Кўпгина шаҳар-давлатлар аморийлар томонидан бошқарила бошланади. Аморийлар бостириб келган Ларса, Ур, Исин, Мари, Ниппур каби давлатлар семидлар ноиблари томонидан бошқарила бошланди. Ашшур шаҳридан топилган қадимий шумер ёзувларида Бобил шаҳри ғарб ва шарқ ўртасида жойлашган йирик марказ давлат бўлиб, хунармандчилик ва йирик маданият маркази ҳисобланган. Бобил орқали йирик савдо йўли ўтган.

Милоддан аввалги II минг йиллик бошларида Бобил ва Месопотамияни бошқа шаҳар-давлатлари аморийлар сулоласи томонидан бошқарила бошланди. Қадимда , эр.ав. 1894-1595 йилларда Бобил подшолиги деб ном олади.

Тарихий манбалар кўрсатадики, мил.ав. 1792-1750 йилларда аморийлардан бўлган Хаммурапи Бобилда подшолик қилган. Хаммурапи Икки дарё оралиғидаги шаҳар давлатларини ўзаро урушларига барҳам берган ва ўз давлати остида бирлаштирган. Хаммурапи Шарқий Элам подшоси Римсин билан кураш олиб боради ва Эламини, кейинчалик Шумерни ҳам босиб олади. Хаммурапи Мари подшоси аморийларга мансуб Зимрилим билан бир қаторда Шимолий Месопотамияни ўзига бўйсундирган. Мил.ав. 1759 йилда Хаммурапига қарши мариликлар қўзғолон кўтарганлиги сабабли, Зимрилим қўшинларини енгиб, Марини ҳам босиб олади. Шу тариқа Икки дарё оралиғида йирик Бобил подшолиги юзага келган. Хаммурапи турли элат ва қабилавий бўлимларга эга бўлган ҳукуматни бошқаришда олдинга қонунлар "Урнома", "Лишит Иштар", "Билалам", "Эшнун" қонунларини ўрганган ҳолда янги қонун тўплами жорий этишга киришди. Хаммурапи қонунлари негизида "адолат" билан бошқариш деган иборани асос қилиб олинган [28].

Хаммурапи қонунлари халққа маъқул келган ва у улуғланган. Хаммурапи марказлашган давлатини бошқариш режасини тузар экан, ўтмиш қонунларидаги айрим бобларни эътиборга олган.

Урук шаҳридан топилган қадимги шумер ёзувларида сарой қулларини болалари уй қулларига айлантирилган. Шумер қонунларини 21 бобида

кўрсатилганки, "ота ўз боласини сотиши мумкин" деб. Мил.ав. XX аср бошларида Эшнун қонунларида аҳолини уч асосий гуруҳга ботлар, ҳуқуқига эга бўлган кишилар, камбағаллар ва қуллардир. 40-моддасида кўрсатишича, қул аёл ёки қул хўкиз билан бошма-бош алмаштириш мумкин деб ёзилган [32, 63-б.]. Бундан кўринадики, қул - мол билан таққосланган.

Юқоридаги қонунларда камбағал ва ишсиз кишилар ҳам агар қарздор бўлса, қулга айлантрилиши ҳақида сўз берган. Бу қонунлардаги моддаларга асосан бош зодагонлар ҳуқуқи ҳимояланган [6, 101-б.].

Бобил подшоси Хаммурапи унгача бўлган Икки дарё оралиғи подшоҳлари каби, ўзининг ҳукмронлик даврини анъанавий тадбир - "адолат" ўрнатишдан бошлади. У "Адолат" деганда қарзларни йўқ қилиш ва имконияти йўқларни кечиришни назарда тутган. "Адолат"ни эълон қилиш одати Бобил подшоҳлигида подшо шаҳар девори устида "олтин машъал" ёнар, уни кўрган атрофдаги шаҳар ва қишлоқлар бу хабарни қўшинларига етказарди. Худди шу усулда машъал ёқиб, бу дақиқадан бошлаб мамлакатдаги қарздорлар ўз қарзларидан озод қилинганлар. Кейинчалик пойтахтдан ўлим жазоси таҳдиди билан (агарда ким уни бошқача таъриф қилса ёки унга қарши чиқса) фармон келарди.

Ўз ҳукмронлигининг биринчи 5 йилини Хаммурапи ибодатхоналар қурилиши ва тахминга рақибларга қарши уруш тайёргарлигига бағишлади. Олтинчи йили (милав. 1787 й.) Хаммурапи Ларсага юриш қилишга жазм этди. У Иссин ва Урукни олди; Рим-син пойтахтидан Бобил қўшини бир чақиримда турган эди. Бироқ ёш Бобил подшоҳининг анъанасига вақти вақти етмаган эди. Янаги йил Ларса билан уруш давом этди (Хаммурапининг 8-йил санаш формуласида келтирилган "Ямутбали" мамлакати шундан далолат берадики, Ларса подшоҳлиги Кудурмабуга сулоласининг душманлари Ямутбали қабиласи мамлакати деб аташган). Аммо уруш ҳаракатлари энди Ларса кўра Бобилга яқинлашган эди. "Лавлаги канали" бўйларига (Мумундар

- у Хаммурапи бобоси Апил-Синнинг буйруғига биноан қазилган бўлиб, Ларса ҳудудидан ташқарида бўлган) [49, 51-б.].

Шу тариқа узоқ йиллар давомида Хаммурапи ва Рим-син ўртасида тинчлик ўрнатилади. Энди Хаммурапи бошқа йўналишларда уруш олиб боради. Мил.ав. 1783 йилда Малгуум шахрини талон-тарож қилиб, Диана ирмоғи олдида милоддан 1782 йилда Бобил ҳудудини шимол томонга кенгайтиради. Рапикум эса мамлакатнинг пастки оқимини қўшиб олади. Кейин эса Хаммурапи босқинчилик урушларига узоқ тайёргарлик кўради. Рақибларнинг кучини ҳисобга олиб, ўзида ҳам мустаҳкам истехкомлар бунёд этади. Улардан энг муҳими "тоғ мамлакати рўпарасидаги бош девор"дир (тахмин қилинишича, тепа чўл чўпон қабилаларига қарши Бобилни ичкарасини таъминлайди).

Шулардан ташқари бу давр уюшмалар, иттифоқлар ташкил этиш, дипломатик элчихоналарнинг фаолиятини жонлантириш даври бўлган. Бу ҳақда бу даврга қаршли Марида топилган подшо архивидаги ҳужжатлар далолат беради. Зимра-лима- Мари подшолигининг амалдорларининг ёзишича, ўз-ўзидан кучли бўладиган подшо йўқдир, Бобиллик Хаммурапи орқасидан 10-15 та подшолар бор, Рим-син орқасида ҳам шунча. Эшкунлик Ибаль-пи-Эль орқасида ҳам шунча. Қатна (суриядаги) подшоси Амут-пи-Эль орқасида 20 подшо бор. Бунга, албатта, ишониб бўлмайди, чунки ҳеч бир давлат арбобининг иттифоқчилари қаторида шу миқдорда подшолар бўлиши мумкин эмас эди. Лекин шуни айтиш керакки, бу замонда чўпон қабилаларининг бошлиқларини ҳам "подшо" деб келишган. Шуни ҳисобга олсак, хат муаллифи келтирган вазият ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади [49, 53-б.].

Маълумки, Хаммурапи Эшнуна томонидан таклиф этилган иттифоқ тузишдан бош тортди ва мил.ав. 1783 йилда унинг азалий душмани - Шомим -Адад 1 билан шахсан ўзи учрашиб, иттифоқ тузди. Бу Аморея сардори эди, у мил.ав. XIX аср охирларида Дажла бўйидаги Ашпурда жойлашиб олган эди,

бундан ташқари у ўрта Фротдаги Мари ва Суриядаги Катнани ўз ичига оладиган буюк ва катта подшоҳликка ҳукмронлик қилган. У билан иттифоқ тузиш учун Хаммурапи Шаими-Ададдан ўзига Хит ва Рапикум (ўрта Фротдаги) шаҳар-давлат бўлиб Эшкуна иттифоқчиси эди.

Месопотамия йўлларида ҳар хил подшолар хабарчилари юра бошлади. Сиёсий мажлисга Хаммурапи ўйлаб чиққан катта иш тайёрланар эди.

Мил.ав. 1768 йилга келиб Хаммурапи муҳим маъмурий ислохот ўтказиб, бу ислохот подшо ҳокимияти ва хўжалигини янада мустаҳкамлади. Мил.ав. 1764 йилда тажрибага эга бўлган Хаммурапи ўзининг йирик юришларини бошлаб юборди ва бу юришлар зафарли бўлади. Бу йили у Эшкуна, Мамнун ва Эламнинг бирлаштирган қўшинини тоғлик қабилалар юборган қўшинлар билан тор-мор этди. Хаммурапининг Элам устидан қозонган ғалабаси ҳақидаги тасдиқлар мақтаниш эмас эди, унинг ёзишмаларидан у ҳаёти охирида бу мамлакатда чинакам ҳукмронлик қилганини айтиш мумкин. Бу душманлар устидан қозонилган ғалаба, унингча, Хаммурапи "Шумер ва Аккад подшоҳлигининг бутун қуйи Месопотамия бирлашмаси деб эълон қилди ва ўз давлатини III-чи Ура сулоласи асос этган давлат билан бирлаштирди. Бу эса Рим-син ҳокимиятининг ноқонуний эканлигини тан олишга тенг эди.

Тоғлар ва Дажла томонидан ўзига флангни таъминлаб, Хаммурапи Рим-син I га қарши юриш қилди ва Ниппурни эгаллади. Янаги ёзда эса Ларса деворлари тагига етиб келди. Мил.ав. 1763 йили Энула (август-сентябр) ойи охиридан Ларса шаҳри подшо хўжалигидаги сарф-ҳаражатлар ҳақида Эрмитажда ҳужжат сақланилмоқда. Ундан шу нарса маълум бўладики, шу йили I ярим йилликда уруш туфайли подшо ходимларига ҳақ тўлаш Ларсада 1,5 марта кўпайган, сарой захираларидан (I ойда) ўтган йилига нисбатан кўпроқ олинган эди. Айнан 26 минг- 300 аскар ойлик ҳақи. Бундан кўриниб турибдики, Ларса подшоҳи сарой ходимлари сони унча катта эмас эди, сарой

захираларидаги қуршов вақтида жуда катта бўлмаган отрядни таъминлаганлар [49, 53-54-б.].

Рим-синнинг тақдири ҳам нима бўлганлиги аён эмас. Хаммурапига Рим-синдан "номорейлар отаси" унвони қолди. Бундан олдин у ўзини подшоҳлигини Шумер ва Аккад подшоҳлиги деб эълон қилган эди. Ларсани бўйсундириш билан у тинчланиб қолмади.

Мил.авв. 1762 йили у Эшнуна ва унинг иттифоқчилари билан тенг келиб, Дажла бўйидаги Манкисум шаҳрини эгаллади ва бу дарё бўйларида Дихла ва Аден оралиғида мустаҳкам ўрнашиб олди. Мил.ав. 1761 йили у бирин-кетин Малшум билан биргаликда Дажла орқасидаги бир неча Хурритга қаршли қишлоқларни эгаллади ва Шамши Адад 1 хукмронлигидан озод бўлган (мил.авв. 1782 й) Мари подшоҳлигини ўзига бўйсундирди. Шу билан ўзининг иттифоқчиси бўлган Мари подшоси Зимрилими ҳам ўзига бўйсундирди.

Икки йилдан сўнг Хаммурапи Малшум ва Мари шаҳарлари деворларини қулатишга буйруқ берди, Зимри-Лимни ҳам жазолади. Деворларни қулатиш шаҳарлар учун уларни ўзларини йўқ қилиш билан тенг эди. Хаммурапи кейинчалик "Малшум одамларини ночорлик вақтида қутқардим ва яширдим ҳамда уларни яшаш жойларини бой-бадавлат қилдим" деган бўлса ҳам, Малшум бошқа тикланмади, Мари эса ўз аҳамиятини йўқотди. Мил.авв. 1757 йили у Ашшур ва Ниневияни забт этди. Бу ҳақда унинг "Санаш формулалари" индамайди, лекин уни қонунлар мажмуаси далолат беради. Хаммурапи "сутийлар"га, субарту ва Загрос тоғликларига қарши жанг қилади. Мил.авв. 1756 йили у уларни тор-мор этади ва Эшнунани бўйсундиради. Хаммурапи мил.авв. 1750 йилида вафот этади.

Шундай қилиб, Хаммурапининг кўп йиллик ҳарбий ва давлат фаолияти натижасида алоҳида қуйи, марказий ва юқори Месопотамиянинг бир қисмини ўз ичига олган алоҳида давлат ташкил топди. Бу бирлашма ўзининг бутунлигида фақат бир авлод ичида бўлса ҳам, у одамлар хотирасида узок

сақланиб қолди. Бобил то маданияти яшнаган даврининг охиригача мамлакатнинг анъанавий маркази бўлиб қолди ва мамлакатнинг ўзи яна икки минг йил мобайнида Бобилистон деб аталган.

Икки дарё оралиғини давлатга бирлаштирганида (Бобилистон) Хаммурапи бўш жойдан бошламаган эди. Бирлаштирувнинг асосида Кудурмабуг ва Рим-син 1 фаолиятлари туфайли замин яратилди, шунинг учун ҳам "Эски Бобил даври" тушунчасига Ларса подшоҳлигининг гуллаб-яшнаши даврини ҳам киритиш мумкин.

Айниқса, қадимги Месопотамия тарихида Хаммурапи қонунларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Хаммурапи қонунлари тўплами мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш муаммоларини ечишга қаратилган бўлиб, йирик тошга ўйиб ёзилган. Қонунлар тўплами Урнома, Иштар, Эшнуна қонунлари асосида тўлдирилган ва ўзгартирилган ҳолда янги моддалар билан бойитилган.

Қонунлар моддалари: жиноий ҳуқуқ, суд ишлари, ҳуқуқбузарлик (ўғирлик, талончилик, босқинчилик), ҳарбийлар ҳуқуқи масалаларига қаратилган. Айрим бобларда эса савдо, гаров ҳуқуқи, оилавий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи муаммоларини ечими берилган. Қонун хулосасида Хаммурапи подшоҳ ёки ҳукмдорнинг халқ олдидаги вазифаси, мавқеи, халққа кўрсатадиган ёрдами, бошқарувда одилона ҳукм ва адолат муаммолари акс эттирилган. Қонунда бош масала: иқтисодий-ижтимоий муносабатлар масаласи бўлиб,

а) ўрмонларни асраш, ёғоч берувчи дарахтларни кўпайтириш, ўрмон ёки дарахтга зарар етказган одам ўлим жазосини олган;

б) хўжаликда чорвачилик масаласи: хусусий чорвачиликка эътибор берилган, мол ўғирланса, бесабаб ўлдирилса ва хўжайиннинг айби билан мол касал бўлса, қонун асосида айбдорларга оғир жазо қўлланилган;

в) суғорма деҳқончилик, сувни асраб ишлатиш, каналлар ва сув сақловчи ҳавзаларни кўпайтириш каби муаммоларга қаратилган [49, 143-б.].

Умуман, Хаммурапи қонунларида асосий эътибор адолат муаммосига қаратилган бўлиб, адолат ва инсонлар ҳуқуқи ҳимояси юқори ўрин эгаллаган. Қонунни ҳар бир моддасида адолат асоси ўз аксини топади.

Хаммурапи қонунлари асосида бошқарув сўнги Салон, Писистрат қонунларида ҳам ўз аксини топган. Ўрта аср Шарқ халқлари тарихида бу каби адолатли бошқарув тизимини Амир Темур даврида кўрамиз. Темур тузукларида ҳокимиятнинг кучини қонунларга қатъий риоя қилинишида деб кўрсатилади. Бу ҳақда тузукларда "Ҳукумат қонунга таянмайдиган ҳокимият, ўз мавқеини ва кучини узоқ вақт сақлаб қололмайди" дейилади. Тузукларда давлат бошқарувини изчил тизими берилиши билан, "адолат" билан иш кўришга эътибор кучайтирилган.

Қонун устуворлиги ва адолат юзасидан иш кўриш бизнинг қонуний асосимиз - Конституциямизда ҳам асосий муаммо бўлиб ҳисобланади. Умуман олганда, Хаммурапи яшаган давр бундан 3,5-4 минг йиллар авал олдин бўлса-да, умуман адолат юзасидан иш кўриш, давлат марказлашуви ва ривожланишида муҳим ўрин тутган. Демак, биз кўриб чиққан қонунлар мажмуаси шуни кўрсатадики, Хаммурапи тузган қонунлар тўпламидаги айрим қонунлар адолат ўрнатиш, қонунга амал қилиш каби ҳамда инсонлар ҳуқуқини тўғри ҳимоя қилиш боблари замонга мослаштирилган ҳолда, антик, ўрта асрлар ва ҳозирги замон тарихида ҳам ўз ўрнини топган. Шунинг учун ҳам Хаммурапи қонунларини ўрганиш ҳозирда ҳам илмий, ҳам тарбиявий томондан аҳамияти каттадир.

3-БОБ. ҚАДИМГИ МЕСОПОТАМИЯ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

3.1. Месопотамия халқларининг маданияти

Месопотамия жуда қадимий ва бой маданиятга эга бўлган ўлка. Бу ўлкада турли хал, уруғ, қабила ва элатлар яшаганлар. Месопотамияликлар маданияти шунинг учун хилма-хилдир.

Месопотамия халқлари маданиятининг шаклланиши милоддан аввалги XI-IX минг йилликларга бориб тақалади. Милоддан аввалги VIII-V минг йилликлардан бошлаб месопотамияликлар маданияти раванқ топа бошлаган. Месопотамияда давлатлар ташкил топгач, Моддий ва маънавий маданият соҳаларида янада улкан ютуқларга эришилади. Месопотамия халқлари маданияти кўшни халқлар маданиятига катта таъсир кўрсатган.

Месопотамия халқларининг энг катта ютуқларидан бири бу ёзувнинг ихтиро қилиниши эди. Илк ёзув милоддан аввалги IV минг йилликда Жанубий Месопотамияда кашф қилинган. Бу ерга кўчиб келган шумерлар ҳам ушбу ёзувни қабул қилганлар. У суратли ёзув бўлиб, айтилмоқчи бўлган сўз расм билан ифода этилган. Бу фанда *иероглиф* ёзуви деб номланган. Масалан қуш сўзи қушнинг тасвири билан, сув сўзи уч қатор тўлқинсимон қаторлар билан, юлдуз сўзи юлдуз тасвири билан ифода этилган. Аммо суратли ёзувлар билан кўп тушунчаларни ифода этиб бўлмаган. Турмуш шумерларнинг бу ёзувини соддалаштиришни талаб қилган.

Замонлар ўтиши билан Месопотамияда понасимон шаклдаги миххат ёзуви кашф этилган. Улар қотмаган лой сатҳига ўйиб туширилган. Улар лавҳа устида кўндаланг, тик ва эгри туширилган пона-михлар шаклидаги белгилар йиғиндисидан иборат ёзув тусини олган. У 600 га яқин белгидан иборат бўлган. Бу ёзувнинг асосчилари шумерлар бўлиб, уни кейинчалик

бобилликлар, ассирияликлар ҳам қабул қилишган. Бу ёзув кейинчалик бутун Жанубий-Ғарбий Осиё халқлари орасига тарқалган, ҳатто Миср фиръавнлари ҳам бу ёзувдан фойдаланганлар. [48, 13-б.]

Жуда қадимдан бошлаб Месопотамия мирзолари адабий, тарихий илмий мавзудаги гапларни сопол, тери, лой лавҳалар ва бошқа буюмларга кўчириб ёзиб, ўзига хос китоблар яратганлар. Бу китоблардан эса ажойиб кутубхоналар ташкил этилган. Бундай кутубхоналар Ур, Ниппур, Ниневия, Бобил, Ашшур ва бошқа шаҳарларда бўлган. Бу жиҳатдан Ассирия подшоси Ашшурбаниполнинг Ниневиядаги кутубхонаси ажралиб турган. Унда 30 мингдан ортиқ хатли лавҳа сақланган бўлиб, Месопотамия маданияти ва тарихининг кўп томонлари ўз ифодасини топган [50, 37-б.].

Месопотамияликлар қадим замонлардан бошлаб ўз мактабларига эга бўлганлар. Бу мактабларда кўпроқ бадавлат кишилар, амалдорлар, ўзига тўқ кишиларнинг фарзандлари ўқиганлар. Аммо мактабда эркин жамоадан чиққан оддий кишилар ҳам ўқиган бўлса керак. Мактабларнинг қуйи синфларида адабиёт, тил, грамматика ўқитилган. Юқори синфларида эса математика, геометрия, астрономия, тиббиёт ва ветеринария фанлари ўқитилган. Мактаблар давлатни бошқариш ишини амалга оширишдаги хўжалик ва савдо ходимлари ҳам тайёрлаган. Мактабларда диний дасрлар ҳам ўқитилган. Шумер, аккад ва оссур мактабларида мирзолар тайёрлашга ҳам катта аҳамият берилган.

Шундай қилиб, Месопотамия мактаблари маориф ва маданият маркази ҳисобланган. Бу мактабларда интизом ҳам анча қаттиқ бўлиб, ўқитувчилар ўқувчиларни қунт билан ўқишга ундаганлар.

Қадимги Месопотамия шаҳар ва харобалари қазилганда у ерлардан архив ва кутубхоналар топилган. Лой ва сопол лавҳалардаги ёзувлар ўқилганда уларнинг бир қисми адабий асарлар эканлигини аниқлаган. Месопотамияда адабий асарларнинг энг қадимгиси милoddан аввалги IV минг йилликларда ёзилган.

Шумер, Бобил ва Ассирия адабиёти қадимги халқ оғзаки ижодиётидан келиб чиққан. Адабий асарлар биний руҳда ҳам, дунёвий руҳда ҳам ёзилган. Месопотамия адиблари бизга «Дунёнинг яратилиши ҳақида миф», «Агуайя ҳақидаги достон», «Адапа ҳақидаги достон», «Этана ҳақидаги достон» каби кўплаб асарлар қолдиришган [47, 82-б.]. У ерда диний, фалсафий ва драматик асарлар ҳам яратилган. Адабий асарларнинг мазмуни хилма-хил бўлган.

Марказлашган Бобил давлати ташкил топган вақтда қоҳинлар-руҳонийлар Мардукни бутун оламни яратувчи бош худо деб таърифлаганлар. Бу «Дунёнинг яратилиши ҳақидаги» достонда ўз ифодасини топган. «Агушайя ҳақидаги достонда» маъбудалар Иштар ва Салту ўртасидаги рақиблик ҳикоя қилинган. Месопотамияда яратилган энг машҳур достонлардан бири «Гильгамеш ҳақидаги достон» бўлиб, унда Гильгамеш ва Энкидунинг дўстлиги, қаҳрамонликлари ва саргузаштлари ҳақида ҳимкоя қилинади. «Жафокаш авлиё ҳақидаги достон»да бечора бир авлиёнинг оғир кечмиши ҳақида ҳикоя қилса, «Хўжайиннинг кул билан суҳбати достони» эса хўжайиннинг ўз кули билан ҳаёти, меҳнат ва ўлим ҳақидаги мунозаралардан иборатдир. Месопотамия адабиёти бой меросга эга бўлиб қадимдан шарқ ва жаҳон халқлари адабиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. [47, 85-86-б.]

3.2. Месопотамияда илмий билимлар ва шаҳарсозликнинг ривожланиши

Месопотамияда математика, геометрия, астрономия, тиббиёт, тарих ва бошқа фанларга қизиқиш анча эрта бошланган. Ерларни ўлчаш, масофани аниқлаш, ҳосилни ҳисоблаш ва савдо-сотик ишларини юритиш учун математика ва геометрия керак эди. Бу фанлар чорвачилик, деҳқончилик, савдо-сотик ва хунармандчилик билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди. Қадимги месопотамияликлар сон ва санашни билганлар, яъни бирлик, ўнлик, юзлик ва мингликларни билганлар. 100 ва 1000 ларни алоҳида белги билан ифода

этганлар. Улар йилнинг 365 кундан, доиранинг 360 бўлакдан иборат эканлигини аниқлаганлар. [58, 112-б.]

Дехқончилик, савдо-сотик, чорвачиликни ривожлантиришда кун, ой ва йилларни билиш зарурияти астрономиянинг ривожланишига олиб келди. Олти-етти қаватли зиккуритлар – ўзига хос обсерваториялар қурилиб осмон жисмлари, ой ва қуёшнинг ҳаракатлари кузатилган. Бундай обсерватория миноралари Ур, Урук, Ниппур, Бобил ва Аккад шаҳарларида бўлган. Осмон жисмлари ҳаракатини кузатиш билан астроном-қоҳинлар шуғулланишган. Қадимги месопотамия астрономлари қуёш ва ой тутилиши ҳодисаларини олдиндан билганлар. Улар қуёш йили 365, ой йили 354 кун эканлигини билганлар. Демак, Месопотамия олимлари астрономия тақвимини тузганлар [58, 113-114-б.].

Месопотамияда табиат фанлари соҳасида ҳам анча ютуқларга эришилган. Ёзувларда баён этилишича, Шумер, Бобил, Ассирия ва бошқа жойларнинг мирзолари ўсимликлар, ҳайвонлар ва минераллар рўйхатини тузганлар.

Милоддан аввалги III минг йилликдаёқ шумер тилида астрономиядан илмий асар тузганлиги маълум. Месопотамия архиви ва кутубхоналаридан мамлакат тарихи ва географиясига оид маълумотлар топилган. Хусусан, Ашшурбанипал кутубхонасидан топилган Миср, Урарту, Бобил ва атрофдаги ўлкалар харитаси шулар жумласидандир.

Қоҳинлар мамлакат ва атрофда бўлиб ўтган энг муҳим воқеаларнинг йиллик рўйхатини тузиб, подшоларнинг бинокорлик фаолиятини ҳам ёзиб борганлар. Айни пайтда илмий билимлар билан биргаликда меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рассом-наққошлик ҳам анча ривож топган. Месопотамия шаҳарларида ибодатхоналар, шоҳ саройлари, маъмурий бинолар ва ажойиб обсерваториялар қурилган. Месопотамиядаги одам, ярим одам – ярим буқа ҳайкаллари киши диққатини ўзига тортади. У ерда бўртма расм-наққошлик ҳам анча ривож топган эди.

Қадимги Месопотамияда тиббиёт ва ветеринария ҳам эрта ривож топган. Икки дарё оралиғидаги ҳақимлар – тиббиёт ходимлари юрак, жигар, буйрак, тумов, қорин оғриғи, безгак, фалаж, кўз, кулоқ, тиш, тери, сариқ сув, сиёдик йўли, хотин-қизлар касалликлари, шунингдек руҳий касалликларни яхшигина жаволаганлар. Айни пайтда ҳақимлар синган, чиққан суяк ва эт узилган жойларни даволашда ҳам катта ютуқларга эришганлар. Мана шу касалликларни даволашда содда ва мураккаб дорилар қўлланилган. Бу дорилар ҳайвон, ҳашорат, шифобахш, ўсимлик, минерал моддалар ва бошқа буюмлардан тайёрланган. Беморларни даволашда силаш, уқалаш, юриш ва компресс усулларида ҳам кенг фойдаланилган. [46, 156-б.]

Месопотамия тиббиётининг пайдо бўлиши узок ўтмишга бориб тақалади. Тиббиёт, жарроҳлик, кўз, ички ва бошқа махсус тармоқларга бўлинган. Тиббиёт ходимлари олдига жуда қаттиқ талаб қўйилган. Хусусан, Хаммурапи қонунларининг бирида жарроҳ беморнинг шикастланган жойини нотўғри кесиб қўйса, ёки нотўғри даволаса унинг қўли кесиб ташланиши айтилади. Тиббиёт ишлари билан асосан руҳонийлар шуғулланишган. У ерда уй ҳайвонларини даволаш ҳам кенг ривожланган. Бу ветеринария фанининг ривожига асос солган. Хуллас, Месопотамия тиббиёти ўша даврда етакчи ўринни эгаллаган эди.

Месопотамия халқлари энг қадимги замонларда табиатдаги буюмлар – сув, тош, дарахт, ҳаёвон ва осмон жисмларига эътиқод қилганлар. Давлат вужудга келиши муносабати билан уларнинг диний эътиқоди ҳам ўзгара борган. Худоларнинг кўпчилиги одамсимон қиёфага кирган. Дастлабки аёл худолар устунликка эга бўлганлар. Хусусан, ибтидоий сув офати маъбудаси аёл қиёфасида бўлган. Бу ўша даврда она уруғи мавқеини баландлиги билан изоҳланади.

Кейинчалик эркак худоларнинг сони ортиб борган. Ҳар бир шаҳар, кишлоқ, маҳалла ўзининг илоҳий ҳомийсига-худосига эга бўлган. Аммо баъзи худолар мамлакат миқёсида иззат-икром қилинган.

Ан – осмон, Ки – ер худоси ҳисобланган. Ҳикоя қилинишича, бу икки худо эр-хотин бўлиб, улардан ҳаво худоси Энлиль туғилган. У ўсиб улғайгач, Ерни идора қиладиган бўлган ва худолар авлодини вужудга келтирган. Ой худосини шумерликлар Ниннар, аккадликлар эса Син деганлар. Қуёш худосини шумерликлар Уту десалар, аккадликлар Шамаш деб атаганлар. Венера сайёрасининг худосини шумерлар Ианна, аккадликлар ўз маъбудаси Иштар билан таққослаганлар. Ианна ердаги ҳосилдорлик ва муҳаббат маъбудаси ҳисобланган. Бобил икки дарё оралиғининг марказига айлангач, Мардуқ унинг ҳомийси бўлиб қолган. У бош ҳомийликка маъбуда Тиаматни енгиб эришган. [35, 44-б.]

Шундай қилиб, Месопотамия кўп худолик мамлакат бўлган. Одамлар уларга эътиқод қилиб, байрам кунларида қурбонликлар қилишган. Дастлаб қурбонликка одамлар сўйилган, кейинчалик кўй-кўзилар қурбонлик қилинган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Месопотамия жаҳон халқлари тарихи ва маданиятининг энг қадимги марказларидан бири бўлган. Бу ўлкада давлатлар бошқа ўлкага қараганда эртароқ вужудга келган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ҳам илк шу мамлакатда қарор топиб, хунармандчилик ва савдо-сотик равнақ топган.

Технология, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши эр.ав. 1 мингйилликда Месопотамияда йирик шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу йирик шаҳарлар мамлакатнинг маъмурий, хунармандчилик ва маданий маркази ҳисобланган. Месопотамиянинг энг йирик шаҳри Ниневия бўлиб, у Дажла даресининг бўйида қурилган ва Ассириянинг пойтахти бўлган. Унда 170 минг киши истиқомат қилган. Бобилда эса 200 мингдан ортиқ киши яшаган. Бобил шаҳри ҳам йирик маъмурий ва маданий марказ бўлган. Уйлар деворларининг қалинлиги икки метрга бориб етган.

Шундай қилиб, Қадимги Месопотамиянинг маданиятида меъморчилик, санъат, ёзув, адабиётда эришилган ютуқлар бутун қадимги Яқин Шарқ учун намуна бўлиб хизмат қилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дунё тарихидаги илк цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланган Қадимги Месопотамия худудлари асосан ҳозирги Ироқ ерларига тўғри келади. XIX асрнинг ўрталарида бошланган Месопотамия ёдгорликларини ўрганиш борасида ҳозирги кунга қадар самарали ишлар амалга оширилди. Бу ишлар орасида Л.Вулли, С.Ллойд, Ф.Сафар, Ж.Оутс, Р.М.Мунчаев, В.М.Массон, А.Л.Перкине, Г.Чайлд, И.М.Льяконов, А.И.Тюменков каби тадқиқотчиларнинг ишлари муҳимдир. Бу борада айниқса Месопотамия пасттексислигининг шарқий чегараларида жойлашган Али Қуш манзилгоҳи тадқиқотлари диққатга сазовордир. Бундан ташқари илмий адабиётларда Хассун маданияти дем ном олган Икки дарё оралиғига хос маданият мил.авв. VI минг йилликнинг ўрталари ва охири билан саналади. Ушбу маданият соҳиблари асосан деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги юритганлар. Олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, Хассун моддий маданиятининг муҳим томони пахса-блоклардан қад кўтарган уйлар ҳисобланади. Уйларнинг режавий тузилиши кўп ҳолларда тўғри бурчакли, айрим ҳолларда ярим айлана кўринишда. Топилмалар орасида ҳайвон суяклари, кўпол сопол идишлар, деҳқончилик билан боғлиқ қурооллар ва айниқса мис буюмлар кўпчиликни ташкил этади. [52] Хассун маданиятини «шаҳар маданияти» деб таърифлашга асос бўлмаса-да, ушбу ёдгорлик жамият бошқарувида маълум аҳамиятга эга бўлиб, аҳолиси ўтроқ турмуш ўтказганлиги шубҳасиздир. [8, 56-б.]

Месопотамия цивилизациясида муҳим аҳамиятга эга бўлган Алаф маданияти ҳам мил.авв. VI минг йилликка оид бўлиб, ушбу маданият соҳиблари Икки дарё оралиғига хос деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги ҳамда маданий анъаналарни сақлаб, уларни янги асосда ривожлантирганлар.

Ушбу маданиятнинг босқичма-босқич ривожланиши Жанубий Месопотамиядаги мил.ав. V-IV минг йилликка оид Эреду қазишмалари тасдиқлайди [23, 46-59-б.]. Бу ердан топилган идишлар, тақинчоқлар ва бошқа топилмалар Ур ва Урук топилмаларига анча ўхшаш бўлиб, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги Шумернинг учта муҳим марказлари бўлган Эреду, Ур ва Урук айнан ана шу даврдан ўз тараққиёт йўлини бошлайди. [40, 65, 64, 60]

Эр.ав. V минг йилликнинг сўнгги чораги – IV минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Жанубий Месопотамия тараққиётида янги босқич бошланиб, ушбу босқич суғориш каналлари тартиби, ҳунармандчиликдаги кулолчилик, металлга ишлов бериш, заргарлик, тўқимачилик каби соҳаларнинг тараққий этиши билан изоҳланади. Аҳоли сонининг ўсиши натижасида кичик манзилгоҳлар билан биргаликда майдони 10 гектаргача бўлган йирик марказлар пайдо бўлади. [50, 87-б.] Майдони кенгайган манзилгоҳлар нафақат ароф қишлоқ хўжалик марказлари, балки хунармандчилик, савдо-сотиқ марказлашган ҳақиқий маънодаги шаҳарларга айланиб боради. Ушбу илк шаҳарларнинг маркази ибодатхона, айрим ҳолларда бутун ибодатхона мажмуи ҳисобланган.

Эр.ав. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларига келиб, Қадимги Месопотамия ижтимоий-иқтисодий ҳаётига катта ўзгаришлар рўй беради. Бу давр Жамдот Наср маданияти даври бўлиб, мудофаа-фортификация иншоотлар қурила бошланади. Ибодатхона ва саройлар мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинади.

Эр.ав. III минг йиллик бошларига келиб, Месопотамияда кўплаб турли тилли халқлар яшар эдилар. Жанубда Шумер, Дажла ва Фротнинг ўрта оқида аккадлар, шимолда хурритлар яшардилар. Месопотамиянинг турли ҳудудларида манзилгоҳлар ривожланиб, Ашшур, Мари, Ниневия каби йирик марказлари пайдо бўлади.

Месопотамиянинг жанубида Эреду, Ур, Ларса, Урук, Лагаш, Умма, Шуруппак, Иссин, Ниппур, Киш каби шаҳар-давлатлар мавжуд эди. [53, 119-б.] Ушбу шаҳар-давлатлар асосида кейинги даврларда қудратли Бобил ва Ассирия давлатлари вужудга келди.

3.3. Месопотамия цивилизациясининг жаҳон тарихидаги ўрни

Месопотамия – жаҳон цивилизацияси ва қадимги шаҳар маданиятининг илк ўчоқларидан бири. Бу маданиятнинг илк асосчиларидан бири шумерлар бўлиб, уларнинг ютуқларини бобилликлар ва ассирияликлар ўзлаштириб, давом эттирдилар. Месопотамия маданиятининг манбалари эр. авв. IV минг йилликда шаҳарлар пайдо бўлиши билан бошланди. Унинг узоқ яшаш даврида унга хос ички бирлик, анъаналарни меросийлиги, унинг унсурларининг ажралмас алоқаси сақланиб қолди. Месопотамия маданиятининг бошланғич даври ўзига хос ёзувнинг шаклланиши билан белгиланади. Кейинчалик бу ёзув миҳхатга айланади. Миҳхат Месопотамия цивилизациясининг асосий илдизи бўлиб, унинг барча жиҳатларини бирлаштирган анъаналарини сақлаб қолиш имкониятини берди.

Эр.авв. IV-III минг йилликларда шумер ёзуви пайдо бўлди. Тахминларга кўра бу ёзув шумерлар Месопотамияга келганга қадар номаълум халқ томонидан кашф қилинган. Шумерлар бу ёзувни цивилизация хизматига қўйдилар [48, 7-б.].

Дастлаб шумер ёзуви пиктографик шаклда алоҳида буюмлар, тасвирлар тарзида ифодаланган. Шундай ёзувдан эрамиздан аввалги III минг йилликдан бошлаб фойдаланилган. Пиктография жуда содда бўлиб, ҳақиқий ёзув эмас эди, у сўзларни ифодаламас эди. Секин-аста у миҳхатга айланди. Миҳхатда 600 белги бор эди [48, 19-б.].

Эр. авв. XXIV асрда илк батафсил ёзилган шумер матнлари пайдо бўлди. Аккад тили жанубий Месопотамияда эр.авв. III минг йилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Шумер ва аккад тиллари бир-биридан кўпгина сўзларни ўзлаштириб олди. Эр. авв. III минг йилликнинг охирида қадимги Шумер–аккад луғатлари тузилган. Шумер ёзуви кейинчалик шумер–аккад ёзувини бутун Олд Осиё халқлари ўзлаштириб олдилар.

Аккад тили Олд Осиё халқаро дипломатия тилига айланди. Қадимги Месопотамияда лой мўл-кўл эди. Лой тахтача ёзув учун асосий манба бўлиб, хизмат қилди. Тахтача лойдан ясаиб тузлардан куйдириш йўли билан тозаланган. Месопотамияда ўрмон бўлмаганлиги сабабли, фақат энг муҳим матнлар ёзилган лой тахтачалар (подшо ёзувлари, кутубхонада сақланиши лозим бўлган асарлар) куйдирилган. Қолган тахтачалар офтобда қуиртилган. Одатда, тахтачалар етти-тўққиз см. узунликда бўлган. Ёзувлар баъзида тош ва металл тахтачага ҳам ёзилган [48, 20-21 б.].

Эр.авв. I минг йилликда бобиллик ва ассирияликлар ёзув учун тери ва четдан келтирилган папирусни ишлата бошлаганлар. Шу вақтни ўзида Месопотамияда ёғочдан қилинган узун тахтачага мум суртиб миҳхат белгиларини туширганлар. Эр. авв. VII асрдан бошлаб оромий тили ва ёзуви кириб келган пайтда миҳхат ёзувлари ўлимга юз тутди.

Бобил ва Осурия маданиятининг энг муҳим ютуқларидан бири кутубхоналар эди. Эр. авв. II минг йилликдан бошлаб Ур, Ниппур шаҳарларида адабий ва илмий матнлардан иборат илк кутубхоналар пайдо бўлади [47, 5-б.].

Қадимги Шарқнинг энг машҳур кутубхонаси Ашшурбанипалнинг (ер.авв.669-635 йиллар ҳукмронлик қилган) Ниневия шаҳрида тўпланган 30.000 тахтачадан иборат кутубхонаси бўлган [55, 123-б.].

Лой тахтачаларга подшо анналлари, муҳим тарихий воқеалар хроникаси, қонунлар тўплами, адабий асарлар ва илмий матнлар ёзилган. Ашшурбанипал кутубхонасининг алоҳида илмий қиммати шундаки, бу

кутубхонада дунёда биринчи марта китоблар тизимли тўпланган ва маълум тартибда жойлаштирилган. Кўпгина китоблар бир неча нусхада мавжуд. Катта матнлар бир хил ҳажмдаги лой тахтачаларда баён қилинган. Шундай матнлар қирқдан юзтагача тахтачага ёзилган. Ҳар бир тахтачада ундан фойдалангандан сўнг ўз ўрнида қайтариш имконини берган тартиб рақамлари қўйилган [55, 126-б.].

Қадимги Месопотамия архивлар макони бўлган. Энг қадимги архивлар эр.авв. III минг йилликнинг биринчи чорагига тегишли. Бу даврда архив маълумотлари ёзилган тахтачалар намликдан сақлаш учун мумланган саватларда сақланган. Эр.авв. XIX асрга оид Ур шаҳри архиви махсус хонада ёғоч тоқчаларида сақланган. Эр.авв. XVIII асрга оид бой архив Мари подшоси саройидан, Урук шаҳридан эр. авв. VIII-VI асрларга оид 2500 хўжалик ҳужжатлари архиви топилган [59, 67-68-б.].

Қадимги Шумер ва кейинги Бобил мактабларида асосан давлат ва ибодатхоналар учун котиблар тайёрланган. Мактаблар таълим ва маданият ўчоғи бўлган. Мактабда асосан шумер тили ва адабиёти ўқитилган. Юқори синф ўқувчилари келажакда тор мутахассислашувга қараб грамматика ацрономия ва математикадан билим олганлар. Ўзини фанга бағишламоқчи бўлган ўқувчи бўлса ҳуқуқ, астрономия, тиббиёт ва математикани ўрганган. Мактабда жисмоний жазо кенг қўлланилган. Месопотамия мактаблари ўқувчиларининг синф хонасида фанларни ўрганиш учун лой тахтачаларда ёзган машқ матнлари бизгача етиб келган.

Шумер адабиётига оид эпик асарлар, афсоналар, мадҳия, достон, эртак ва мақоллар тўплами бизгача етиб келган. Шумер шаҳрини қўшни қабилалар ҳужумлари натижасида ҳалокати тўғрисида маълумот берадиган асарлар алоҳида ўрин тутди. «Ур шаҳри аҳолисининг фалокати мотам йиғиси» (эр.авв. XX аср охири) асарида аёллар, қариялар ва болаларнинг очликдан қийналиши, ёнғиндан қолган уйларда ҳалок бўлганларни тафсилотлари батафсил тавсифлаган [66, 243-б.].

Шумер адабиётининг энг машхур-намунаси афсонавий қаҳрамон Гилгамеш тўғрисидаги эпик афсоналар тўпламидир. Бу асар аккад тилида қайта ишланган нусхада тўлароқ кўринишда Ашшурбанипал кутубхонасида топилган. Эр.авв. II минг йиллик охирида Бобилда аккад тилида ёзилган фалсафий мавзудаги «Ҳа, мен донолик илоҳини шарафлайман» асари сақланиб қолган. У айбсиз, машаққат чеккан кишининг шафқатсиз тақдири тўғрисида ҳикоя қилади [66, 244-б.].

Шу мавзуга яқин «Бобил теодисияси: (сўзма-сўз таржимаси, «худони оқлаш»)» поэмаси эр.авв. IX асрда пайдо бўлган. Унинг муаллифи подшо саройида кохин бўлиб хизмат қилган, Эсагилкуни -Уббиб номли киши бўлган. Асарда бобилликларнинг қизиқтирган диний-фалсафий ғоялар ўз аксини топган. Эр.авв X асрга оид «Қул менга бўйсун» асари ҳаётга умидсизлик руҳида ёзилган. У хўжайиннинг ўз қўли билан диалоги тарзида ёзилган [66, 245-246-б.].

Катта бадий қийматга эга бўлган Ассирия анналари ассур жангчилари бўлган бегона давлатлар табиати тўғрисида ритмик тилда ёзилган. Энг машхур Ассириялик асари бу Ассирия подшоларининг доно котиби ва маслаҳатчиси Ахикар тўғрисидаги қиссадир. Кисса тўлиқроқ ҳолда сурия тилида сақланиб қолган [66, 248-б.].

Қадимги Месопотамия мафкуравий ҳаётида дин ҳукмрон ўрин эгаллаган. Эр.авв. IV-III минг йилликлар чегарасида Шумерда батафсил ишлаб чиқилган, кейинчалик Бобилда ўзлаштирилиб, ривожлантирилган теологик тизим юзага келади. Ҳар бир шумер шаҳри ўз худо ҳомийсига эга бўлган. Бундан ташқари, умумшумер шаҳарлари сиғинган худолар бўлган. Бу осмон худоси Ану, ер худоси Энлил, сув худоси Энки ёки Эа каби илоҳлар табиат цихияси кучларини акс эттирганлар. Кўпинча улар коинот жисмига ўхшатирилган. Ҳар бир худога алоҳида вазифа юклатилган. Энлил тақдир худоси, шаҳарлар асосчиси ҳамда мотиға ва омоч кашфиётчиси, куёш худоси Уту (Аккад мифологиясида Шамаш), Ой худоси Ниннар,

Энлилнинг ўғли севги ва ҳосилдорлик худоси Иннана (Бобил ва Осурия пантеонида Иштар) абадий ҳаёт, табиат худоси Думузи (Бобилда-Таммуз) кенг тарқалган [55, 90-94 б.].

Уруш худоси касаллик ва ўлим худоси Нергал (Марсен) сайёрасига ўхшатишган. Бобил бош худоси Мардук – Юпитер билан Набу (Мардукнинг ўғли) донолик, ёзув ва ҳисоб худоси Меркурий сайёрасига ўхшатишган.

Худодардан ташқари, кўп сонли эзгулик девларига сиғинилган. Турли хил касалликлар сабабчиси бўлган ёвуз девларни раҳмдил қилишга ҳаракат қилганлар. Девлар ярим одам, ярим ҳайвон тарзида тасвирланганлар. Одамлар ўзларини одам бошли, қанотли ҳўкиз сифатида ифодалаганлар. Қанотли улкан ҳайкаллар Ассирия подшолари саройлари киришини кўриқлаганлар [55, 96-б.].

Шумер ва аккадлар у дунёга ишонганлар. Уларнинг тасаввурида у дунё соялар подшолиги қайсики, ўликлар очлик ва чанқоқликдан қийналадилар. Лой, чанг билан овқатландилар. Шунинг учун марҳумларнинг болалари уларга қурбонлик келтиришга мажбурдирлар.

Қадимги Месопотамияда дунёнинг илмий билишда маълум ютуқларга эришилди. Бобилда айниқса, математика фанлари амалий мақсадлар учун юзага келиб, юқори даражада ривожланади. Қадимдаёқ, бобилликлар зиккуратларнинг юқори қаватларидан туриб осмон жисмларини мунтазам кузатганлар. Ана шу кўп асрлик кузатишлари натижасида математик-астрономия вужудга келди. Астрономлар юлдузлар ўртасидаги масофани астрономик ҳисоб-китоб қилганлар. Бобилда кўп сонли астрономик жадваллар вужудга келган. Шу даврда Бобилда машҳур астрономлар Набуриан ва Киден яшаганлар. Набуриан ой фазаларини аниқлаш тизимини ишлаб чиқди. Киден кўёш йилини 365 кун, 5 соат 41 минут ва 41,6 секунд ҳисоблади. У йил ҳисоби давомийлигида бор йўғи 7 минут, 17 секундга хато қилган. Астрономия астрология билан боғланган эди [47, 32-б.].

Бизгача жуда кўп Бобил тиббиёт матнлари етиб келган. Месопотамия врачлари чиққан ва синган суяк бўғинларини даволай олганлар, лекин одамнинг ички касалликларни даволай олмаганлар. Эр. авв. III минг йилликдаёқ месопотамияликлар Ҳиндистонга борадиган йўлни, эр. авв. I минг йилликда Эфиопия ва Испанияга борадиган йўлни билганлар. Бизгача етиб келган хариталар бобилликларнинг ўз географик билимларини тизимга солишга ҳаракат қилганликларини кўрсатади.

Қадимги Месопотамиянинг санъатини шаклланиши ва кейинги тараққиётига шумерларнинг бадиий анъаналари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Тош ўймакорлик эр.авв. III минг йиллик бошларида шаклланди. Тошга нақшлар ўйиш (глиптика) эр.авв. II асригача юксак даражада ривожланди. Эр.авв. XXIV-XXIII асрларда Месопотамия ягона давлат бўлиб, бирлашган пайтда подшоларнинг идеаллаштирилган портрет-тасвирлари пайдо бўлади [44, 258-б.].

Эр.авв. II минг йиллик бошларидан қурбонлик келтириш, сарой ҳаёти манзаралари тасвирланган фреска санъати ривожланади. Месопотамия санъати эр.авв. VIII-VII асрларда Ассирия давлатининг гуллаб-яшнаган даврида ўзининг юқори чўққисига чиқади. Бу асосан рельеф санъатида ўз аксини топган. Бу даврда улуғвор сарой ва ибодатхоналар барпо қилина бошланди.

Эр.авв. I минг йилликда Месопотамияда йирик савдо-хунармандчилик маданият марказлари бўлган катта шаҳарлар пайдо бўлади. Месопотамиядаги ассур подшоси Синаххреб томонидан эр. авв. 705-681-йилларда қурилган, майдони бўйича Олд Осиёда энг катта шаҳар Ассирия пойтахти Ниневия эди. Шаҳар 729,7 га ерни эгаллаб, шаҳарда 170 минг аҳоли яшаган [44, 261-б.].

Месопотамияда шиша ишлаб чиқариш жуда эрта эр.авв. XVII асрда бошланади, темирдан фойдаланиш эса, кечроқ эр.авв. XI асрга бошланади. Месопотамиянинг илмий билимлари, санъати, меъморчилиги, дини, ёзуви ва

адабиёти, қадимда кўпгина шарқ халқлари маданияти равнақининг ўлчов мезони бўлиб хизмат қилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Месопотамия маданияти ютуқларининг бошқа ҳудудларга тарқалиши ҳақидаги дастлабки далиллар эр.авв. III мингйилликка бориб тақалади. Бу даврда Аккад империяси вужудга келган эди. Юошқа далил сифатида эса шу ҳол хизмат қиладики, тарихий манбаларга кўра, Элам давлатининг пойтахти Суза шаҳрида (жануби-ғарбий Эрон) нафақат миҳхатдан, балки аккад тили ва Месопотамияда қабул қилинган маъмурий тизимдан ҳам фойдаланишган. Ўша замонда варварларнинг етакчиси Луллубей Аккаддан шимоли-шарқда аккад тилидаги ёзув уйиб ёзилган стелани ўрнатилган эди. Марказий Месопотамиянинг хуррит ҳукмдори миҳхатдан ўз она тилида матнлар ёзиш учун фойдаланилгани маълум [54, 115 б.]. Хурритлар томонидан ўзлаштирилган матнларнинг кўпчилиги сақланиб, кейинчалик Онатўлидаги хеттларга берилган эди.

Худди шундай вазият Хаммурапи ҳукмронлиги даврида ҳам шаклланади. Бизнинг кунимизгача аккад тилидаги юридик ва тарихий матнлар сақланиб қолган бўлиб, улар аморий-хурритлар маркази Алалахда (Шимолий Сурия) топилган эди. Бу эса минтақада Бобилнинг таъсири ҳақида далолат беради.

Худди ўшандай маданий яхлитлик, бирмунча кенгроқ миқёсда, эр.авв. II минг йиллик ўрталаридаги сиёсий парокандалик шароитларида кузатилган. Бу даврга келиб Онатўли, сурия, Фаластин, Кипр ва хатто Мисрда ҳам миҳхат ва аккад тили миллатлараро (халқлараро) муомала воситаси сифатида қўлланилган. Бундан ташқари, турли тиллар, жумладан, хуррит ва хетт тиллари ҳам, миҳхат ёзувидан фойдалана бошлашган.

Эр.авв. I минг йилликда миҳхат бошқа тилларга, хусусан, урарту, қадимги форс тилига ҳам кириб келади.

Ёзув билан биргаликда воситачи сифатида турли ғоялар ҳам ёйилган. Бу авваламбор, юриспруденция, давлат бошқаруви, диний тафаккур ва мақоллар, маталлар, асотирлар, дostonлар каби адабиёт турларига хос жараён эди. Гильгамеш ҳақидаги дostonнинг Аккад тилидаги фрагментлари узоқ ўлкаларга бориб етган. Жумладан, бу дoston парчалари хеттлар пойтахти Хаттус (ҳозрги Богазкей, Марказий Туркиянинг шимоли) ва Мегиддо (Исроил ҳудудида) деган жойларга тарқалган. Гильгамеш ҳақидаги дoston хуррит ва хетт тилларига таржима қилинганлиги маълум [28].

Месопотамия маданиятининг тарқалиши нафақат миҳхатни ўзлаштириб олиш билан боғлиқ эди. Унинг намуналари Грециягача етиб бориб, у ерда ҳайвонлар ҳақидаги масаллар ўзларининг аккад тилидаги прототипларини қайтарган. Гесиоднинг “Теогония” асаридаги айрим қисмлар хетт, хуррит ва оқибат натижада бобил манбаларига бориб тақалади. Одиссея ва Гильгамеш ҳақидаги дostonдаги кириш қисмлари ҳам ўхшашлиги Месопотамия маданиятининг узоқ ўлкаларга тарқалгани ҳақида далолат беради.

Библия (Инжил) даги Борлиқ Китобининг дастлабки боблари ва илк месопотамиялик матнлар ўртасида ҳам ўхшашликлар аниқланган. Буларнинг ёрқин намуналари бўлиб, хусусан, Дунё яратилишидаги воқеаларнинг тартиби, Эдем (Жаннат) географияси хусусиятлари, Бобил минораси ҳақидаги ривоят, сув тошқини ҳақидаги ривоят хизмат қилиб, улар Гильгамеш ҳақидаги дostonнинг қадимги тахтачаларга ёзилган айрим қисмларида ҳам учрайди [28].

Хеттлар Онатўлига келишлари давридан бошлаб миҳхатдан кенг фойдаланишган, уни нафақат ўз тилларидаги, балки аккад тилидаги матнларни ёзишда қўллашган. Бундан ташқари, хеттларнинг қонунчилик асослари ҳам Месопотамиядан тақлид қилиб олинган ва кейинчалик унинг асосида ўзларининг қонунлар мажмуини яратишган. Суриядаги шахар-давлат Угаритда ҳам маҳаллий ғарбий семит лаҳжаси ва алифбо ёзуви турли адабий

асарлар, жумладан эпик ва диний асарларни ёзишда қўлланилган. Онунчилик ва давлат бошқаруви ҳақида гап борганда эса угаритлик мирзолар аккад тилига мурожаат қилишган. Хаммурапининг машҳур девори Бобилнинг вайроналарида эмас, балки узоқ Элам пойтахти – Суза шаҳридан топилган, у ерга у қимматли ўлжа сифатида етказилган.

Месопотамия маданиятининг ёрқин далиллари Библия (Инжил) да ҳам учрайди. Яҳудийлар ва христианлар динлари Месопотамияда шаклланган маънавий йўналишга қарши туришган бўлсалар-да, Библияда сўз кетаётган қонунчилик ва бошқарув усулларида месопотамиялик прототипларнинг таъсири кўриниб туради. Ўз қўшнилари каби, яҳудийлар Ҳосилдор ярим ой мамлакатларига хос бўлган бўлган қонунчилик ва ижтимоий қоидаларга бўйсунмишган ва риоя қилишганки, бу қоидалар месопотамия қонун-қоидаларига бориб тақалиши олимлар томонидан тасдиқлаб берилган [49, 7-б.].

Демак, Месопотамия цивилизация дунёдаги энг қадимги цивилизациялардан ҳисобланиб, унинг ютуқлари ва таъсири бошқа ўлкаларга ҳам ёйилган.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Башарият тарихининг кейинги ривожини белгилаб берган муҳим босқичлардан бири – ўзлаштирма овчилик-балиқчилик ва термачилик иқтисодиётдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилиши, унинг асосий шакллари ривожини ва тарқалиши ҳисобланади. Бу жараёнлар энг қадимги давр тарихида янги босқичнинг бошланишига асос солди ва бундан юз минг йиллар илгариги эволюциядан принципиал жиҳатдан фарқ қиларди. Улар қадимги жамият турмушининг барча соҳаларида ўзгаришлар ясади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг археологик материалларнинг тўпланиши бу даврни даврлаштиришга асос солди. Таниқли инглиз археологи Вир Гордон Чайлд ўзлаштирма иқтисодиётдан ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга ўтиш даврининг тарихий аҳамиятини таъкидлаб, уни «неолит инқилоби» деб атади. Яқин Шарқда тадқиқотлар олиб борган таниқли америкалик олим Роберт Брейдвуд эса энг қадимги тарихни озиқ-овқатни ўзлаштириш ва озиқ-овқатни ишлаб чиқариш давларига бўлиб, ишлаб чиқариш даврида бир қатор босқичларни ажратиб кўрсатди. XX аср 60-70 йилларига келиб, археологик қазилар ишлари натижасида материаллар бирмунча кўпаяди. Яқин Шарқ, Олд ва Кичик Осиёда деҳқончилик ва чорвачиликнинг шаклланиш йўллари аниқлаш тўпланган материалларни ҳар тарафлама таҳлил қилиш асосида ўрганилади. Бунда археологлардан ташқари палеогеографлар, палеозоологлар, антропологлар ва палеоботаниклар ҳам иштирок этишмоқда. Хуллас, бу ҳақда рус, инглиз, америка, француз, дания ва бошқа тадқиқотчилар билдирган фикр-мулоҳазалар башарият тарихи учун ўзлаштирмадан ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга ўтиш муҳимлигини тан олишга асосланади.

Зироаткорлар, овчилар ва балиқчилар жамоачи энг қулай табиий атроф-муҳит шароитларида ҳам сон жиҳатидан ва ишлаб чиқариш

имкониятлари жиҳатидан чегараланган бўлади. У табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида такомиллашиб боради. Қулай экологик вазиятларда (денгиз қирғоқлари, пода-пода ҳайвонлар истиқомат қилиши) манзилгоҳлар кўп вақт ичида мавжуд бўлади. Бироқ овчилар ва зироаткорлар жамоаси сон жиҳатидан ўсиб бориши билан табиий ресурсларни сифат жиҳатидан ўзгартира олмайди. Шунинг учун улар бошқа қулай ва ҳайвон ҳамда ўсимликлар мўл-кўл бўлган жойларга кўчиб, у ерда янги манзилгоҳларни барпо этадилар. Натижада жамоалар бир-бирларидан узоқлашиб қоладилар. Улар орасида доимий айирбошлаш ва ихтисослашув қийин кечади. Энг қадлимги даврларда жамоа аъзоларининг кўпчилиги озиқ-овқат маҳсулотларини излаб топишда иштирок этгани туфайли, инсон эҳтиёжлари ҳам чегараланган эди.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилгандан сўнг жамоа ҳаёти тубдан ўзгаради. В.Г.Чайлд бу жараённи тавсифлаб, «у дастлабки инқилоб бўлиб, инсон иқтисодиётини ўзгартирди, инсон ўз озиқ-овқат захираси устидан назорат қила бошлади» [70], дейди. Инсон ўзи озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлай бошлади, ишлаб чиқаришни кенгайтди. Инсон имкониятлари ўсиб, фаолият доираси ҳам кенгая борди. Аҳоли сон жиҳатидан ўсди. Ҳунармандчилик куртаклари пайдо бўлди. Маданий ўсимликлар ва уй ҳайвонларининг ёввойи аждодлари тарқалган жойларда улар хонакилаштирилди ва маданийлаштирилди. Бундай марказлардан бири Месопотамия бўлиб, у ердаги энг қадимги давлатчилик куртаклари Хассун, Самарра, Халаф ва Эль-Убейд маданияти ҳисобланади.

Бу маданиятлар Шимолий Месопотамия, Фаластин, Сурия, Туркия, Эрон ҳудудларини қамраб олган минтақага кириб, археологлар уни «Ҳосилдор ерлар яримойи» деб аташган. Айнан шу ҳудудда илк деҳқончилик манзилгоҳлари кашф этилиб, ишлаб чиқарувчи иқтисодиёт куртаклари ўрганилган [66].

Бугунги кунда кўплаб материаллар хануз турли музейларда кўмилиб ётибди ва тарихчи ҳамда археолог олимларнинг чоп этилмаган кундаликларида яшириниб ётибди. Олий ўқув юрларида, умумтаълим мактабларида Қадимги Шарқ тарихи «Жаҳон тарихи» курси бўйича ўқитилади. Айниқса олий ўқув юрларидаги тарих йўналишларида ўқитилаётган «Неолит даври тарихи», «Жаҳон цивилизациялари тарихи», «Қадимги дунё тарихи» курсларини ўтишда Миср цивилизацияси билан биргаликда Месопотамия дунёдаги энг қадимги цивилизация ўчоқларидан ҳисобланади. Асосан цивилизация тарихини ўтиш ва ўрганиш учун чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида маданият ривожини бронза давридан бошлаб ўрганилади. Ундан илгари нима бўлганлиги ҳақида эса жуда кам, қисқа маълумотлар келтирилади, холос.

Биз битирув-малакавий иш мавзуси сифатида танлаб олган Месопотамия цивилизацияси неолит давридаёқ Ўрта Ер денгизи бўйларида шаклланган. Қадимги Месопотамия цивилизациясига оид материаллар асосан рус тилида бўлиб, ўзбек тилида жуда кам топилади. Асосан дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги маълумотлар билан чекланиб қолишга тўғри келади.

Шундай бўлса-да, Қадимги Месопотамия тарихи ва цивилизациясининг ўзига хос хусусиятларини мавжуд адабиётлар, Интернет маълумотлари асосида очиб беришга ҳаракат қилдик. Мазкур ишимизда келтирилган маълумотлардан тарих фани ўқитувчилари маърузалар ёзиш учун, талабалар эса курс ишлари, рефератлар ёзиш учун фойдаланишади деган умиддамиз.

Мавзуни ўрганиш юзасидан қичқача тавсиялар келтирамиз.

ТАВСИЯЛАР:

«Қадимги Месопотамия цивилизацияси» деб номланган мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан «Қадимги дунё тарихи», «Жаҳон цивилизациялари тарихи», «Эпиграфика», «Жаҳон маданияти тарихи» каби фанларни ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкиндир.

Ишимизда Қадимги Месопотамияда ёзувнинг пайдо бўлиши ва ривожига ҳақида кам маълумот берилгани боис, тавсия қисмида бу мавзуда янги педагогик технологияси асосида ишланма келтиришни лозим деб билдик.

Асосий савол:

1. Шумерлар миҳхати

Мавзу бўйича таянч тушунча ва иборалар:

Оссурий-бобил ёзуви, миҳхат, Шумер кутубхонаси, Гильгамеш

Мавзуга оид муаммолар:

2. Месопотамияда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида лой тахтачаларда, қоятошларда ўйиб ёзилган ёзувлар топилган. Бу ёзувларни бир қатор олимлар ўрганган. Айтингни, Месопотамияда қандай ёзув мавжуд бўлган? Бу ёзувга доир ёдгорликлар қаердан топилган? Уларда нималар ҳақида гап боради?

3. Шумерлар ёзуви ҳам оссурий-бобил тил оиласига мансуб деб ҳисобланади. Шумерлар миҳхат тизими ассирияликлар миҳхатидан фарқи нимада бўлган?

1-савол бўйича дарс мақсади:

Шумерлар ҳақида маълумот бериш, шумер миҳхати ҳақида тушунча бериш, шумер эпиграфик ёдгорликлари ҳақида талабаларга тушунча ва тасаввур ҳосил қилдириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. Шумерлар ҳақида тушунча беради.

1.2. Шумер кутубхонасининг топилиши ва уни ўрганилиши натижаларини таҳлил қилади.

1.3. Шумерлар миҳхатининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради.

1-савол баёни:

Шумер ўлкаси бахтиёр Месопотамия («Икки дарё оралиғи») ерларида жойлашган. Осиёнинг икки буюк дарёси Дажла билан Фротнинг суви билан таъминланган, унумдрор лёсс тупроқли, серқуёш бу ўлкада қарийб олти минг йил бурун қадимги даврнинг энг буюк цивилизацияси – шумер цивилизацияси вужудга келган.

Шумерларни тарихчилар эмас, балки тилшунослар – лингвистлар кашф этган. Улар миҳхатнинг хусусиятларини ўрганган эканлар, шу дамгача номаълум бўлган қандайдир халқнинг изини топганлар. Миҳхат лавҳалари (уларнинг сони Ассирия ва Бобил шаҳарлари ўрни қазилгандан кейин анча кўпайди) ҳарфли, бўғинли ва расмли ёзувнинг жимжимадор аралашмасидан иборат эди. Полиглот-олимлар жуда кўп марта текширганларидан кейин, миҳхатдаги белгиларнинг бунчалик хилма-хиллиги ёзув системасининг узок таракқиёти натижасидир, деганфикрга келдилар. Миҳхатни бобилликлар ҳам, ассирияликлар ҳам яратган эмас, бу қандайдир бошқа халқнинг ижодидир деган тахминларни ҳам айтдилар.

Ёзувлардан бирида семит шоҳи Саргон (Икки дарё оралиғи жанубий қисмининг қадимги ҳукмдори) ўзини «шумерлар ва аккадлар шоҳи» деб атаган. Шунинг учун баъзи олимлар тахмин қилинаётган халқни шумерлар деб, бошқалари эса аккадлар деб атадилар. Консуллик вакили француз Э. де Сарзек 1877 йилда Икки дарё оралиғидаги тепаликлардан бирини қазий бошлаган. Кўп ўтмай, бир ажойиб ҳайкалчага дуч келган кейин жимжимадор нақшлар билан безатилган идиш синиқлари, ҳайкал ва турли ёзувлар битилган сопол тахтачалар – лавҳалар топган.

Ниппур шаҳри шумер ҳужжатларини излашга қизиқтирувчи, ундовчи кашфиёт бўлган. XIX аср охирида америкалик археологлар бу ердан миҳхат

битилган бир неча мингда лавҳа топганлар. Ниппур тахталари – лавҳалари 62 та хонага жо бўлган.

Шумерлар қадимги кутубхонасининг топилиши навбатдаги, деярли энг кутилмаган кашфиёт бўлган: кутубхона шумерларнинг қадимги шаҳри – Шуруппакдан топилган; ривоятга қараганда, Нух пайғамбар шу шаҳарда яшаган эмиш. 1902 йилда таниқли археологлариининг бир гуруҳи, Икки дарё оралиғининг ҳали мутлақо ўрганилмаган, сирли ва номаълум районида дадил экспедиция уюштирган. Фара қишлоғида археологлар миҳхат битилган дастлабки сопол тахталарга дуч келдилар. Кейин шумер миҳхати билан қидимий ёзувлар битилган кўплаб тахталар келиб чиқди. Бу Шумер кутубхонаси эди. Тахталар зах ердан чиқариб олинди, тозаланди, фотосуратга олинди, оловда пиширилди ва пухта ўраб яшиқларга жойланди. Бунга саккиз ой, иш натижаларини эълон қилишга эса йигирма йил кетди.

Олимлар шумер кутубхонасини серияларга ажратиб тасниф қилдилар. Биринчи серияни – хўжалик ишларига оид текстлар, иккинчи серияни мактабга тегишли текст: ҳозирги мактаблардаги дафтарлар ролини ўйнаган сопол тахталар ташкил этди (бу материаллар шумер педагогикасининг юксак даражада бўлганлиги, шумер ўқувчилари ёзишни қандай ўрганганликлари ҳақида тасаввур берарди). Энг муҳими шуки, шумер кутубхонаси «архаик миҳхат белгилари» нинг рўйхатини тузиш имконини берди.

Инглиз Л. Вулли Дафн этилган Ур подшолари даҳмаларининг қолдиқларини очиб кўрди. Аёл ҳокимлардан бирининг даҳмасидан қимматбаҳо буюмлари: олтин идишлар, маликанинги бош кийими топилди. Подшоҳлар қабридан топилган яна бир нарса ҳамманинги диққатини ўзига тортди; бу бурчаклари бир-бирига бириктирилган ва иккита ён учбурчаклар ёрдамида маҳкамлаб қўйилган иккита тўғрибурчакли тахталардан иборат байроқ эди. Садафлар ва чиғаноқлар қадаб нақшлар солинган байроқларда шумерлар ҳаётининг турли кўринишлари тасвирланган.

Агар археологик қазишлар ўтказилмаса ва жуда кўп хатлар битилган сопол лавҳаларни Л.Вулли харобалар остидан топиб олмаса, бизга Ур шаҳри ҳеч нарса эслатмаган бўларди. Топилган лавҳалар сони 20 мингдан ҳам кўп. Улар катта бир кутубхона ташкил этди.

Д.Смитнинг ишлари шумершуносликка муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Британия музейи ертулаларида Қуюнжиқ тепалигидан топилган машҳур Ашшурбанипал кутубхонасига мансуб сопол лавҳаларни ўргана бошлайди. Д.Смит Месопотамия бўйлаб қилган саёҳатидан у 1873 йилнинг май ойида қайтди. Етишмаётган 380 та лавҳани топиб келди.

Кўп минг йиллар мобайнида миҳхат ўзининг узоқ ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Шу бугунгача тадқиқотчилар томонидан жуда кўп миҳхатли «сопол китоблар» ўқиб чиқилган. Улар миҳхатнинг ривожланиш тарихига оид жуда кўп бой материаллар берди. Ҳар ҳолда миҳхатга замин яратган, уни бунёдга келтирган «отаси» тўғрисида, протошумерлар ёзуви деб аталадиган ёзув тўғрисида маълумотлар ҳали кам. Эрмитажда шумер белгилари битилган кичкина сопол лавҳа сақланмоқда. Мутахассислар бу лавҳанинг ёши беш минг йилдан ҳам зиёд дейишмоқда. Лавҳада бор-йўғи тўртта белги чизилган: Тиара, аёлни тасвирловчи белги, қўл ва тўсиқ (иҳота). Бу – маълум тушунчаларни англатувчи ўзига хос ёзув, белгилар эса – типик идеограммалардир. Миҳхатнинг ривожини расмларни соддалаштириш йўлидан борган.

Шумер ёзувларидаги белгилардан хўжалик ишларига доир маълумотларни ёзишда, мол-мулкни ҳисоб-китоб қилишда, яъни сода ва конкрет ҳолларни қайд қилиш учун қўлланилган. Афсоналарни, тарихий воқеаларни, дostonларни ёзиш учун шумерлар турлича талаффуз этиладиган кўп оҳангли белгиларни (бунда бир белги кўп товуш комплексларини ифодалаган) ва, аксинча, бир оҳангли белгиларни қўллана бошлаганлар (бунда бир бўғин бир неча белги орқали ифодаланган). Вақт ўтиши билан белгиларнинг ташқи кўриниши ҳам ўзгарган, расмлар тобора кўпроқ шартли

ту солган. Миххат сополга битиладиган ёзув сифатида қарор топгач, бу белгилар тош, шиша, металл каби қаттиқ материалга ўйиб ёзила бошланган.

Ассирийлар миххат системасини соддалаштирганлар: ундаги белгилар сонини камайтирганлар ва ўз қўшимчаларини киритган.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Шумер кутубхонасининг топилиши олимларга қандай имкониятлар очиб берди?

2. Ашшурбанипал кутубхонаси лавҳаларини ким дешифровка қилди ва фанга қандай янгилик киритилди?

3. Шумер миххати ҳарфли ёзув даражсигача кўтарилдими? Нима сабабдан?

Мавзуни ўрганишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Драчук В. Ёзувлар – ўтмиш сирлари шоҳиди.- Т.:Ўзбекистон, 1980
2. Отаев У. Эпиграфика фанидан ўқув-услубий мажмуа.- Гулистон, 2005

Шундай қилиб, жаҳон тарихидаги илк цивилизацияларнинг ҳар томонлама тараққий этиши натижасида давлат уюшмалари ва бошқарув тизими ҳам тараққий эта бошлаган. Тадқиқотлар натижасида топилган кўплаб топилмалар қадимги цивилизация марказлари ўртасида ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлганлигидан алолат беради. Ушбу муносабатларда Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган қадимги аҳолининг ҳам ўз ўрни борлиги шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам қадимги цивилизациялар тарихини янада чуқурроқ ўрганиб, тадқиқ этиб, ушбу ўзаро алоқаларни, уларнинг моҳиятини аниқлаш тарихчи ва археолог олимлар олдидаги навбатдаги муаммо ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Президент асарлари ва меъерий ҳужжатлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.:Шарқ, 1998
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари – Т.:Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.:Ўзбекистон, 1998
4. Давлат таълим стандартлари. Т., 2008

2. Ўзбек тилидаги дарслик, китоблар ва монографиялар

5. Драчук В. Ёзувлар – ўтмиш сирлари шоҳиди.- Т.:Ўзбекистон, 1980
6. Кабиров А. Қадимги Шарқ тарихи. -Т.,1992.
7. Отаев У. Эпиграфика фанидан ўқув-услубий мажмуа.- Гулистон, 2005
8. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т.:Зар қалам, 2004. 56 б.
9. Қадимги дунё тарихи. – Т., 2007

3. Илмий тўпламлар, журналлардаги мақолалар:

10. Дьяконов И.М. Проблемы Вавилонского города. \ \ Город и торговля на древнем Ближнем Востоке. - Древний Восток (1).- Ереван, 1973.
11. Лисицына Г.Н. Культурные растения Ближнего Востока и юга Средней Азии в VIII-V тыс. до н.э. // СА. 1970. №3.
12. Массон В.М. Проблемы неолитической революции в свете новых данных археологии. // ВИ. 1970. №6

13. Массон В.М. Первые земледельцы Месопотамии. // ВДИ. 1971. №3
14. Мерперт Н.Я., Мунчаев Р.М. Раннеземледельческие поселения в Северной Месопотамии. //СА. 1971. №3
15. Мунчаев Р.М., Мерперт Н.Я., Большаков О.Г., Бадер Н.О., Башилов В.А., Гуляев В.И. Раскопки раннеземледельческих памятников на севере Ирака. // Археологические открытия 1971. – М., 1972.
16. Мунчаев Р.М., Мерперт Р.Я., Большаков О.Г. и др. Иракская экспедиция. // Археологические открытия 1972 года. – М., 1973
17. Мунчаев Р.М., Мерперт Р.Я., Бадер Н.О. и др. Исследования иракской экспедиции. // Археологические открытия 1973 года.- М., 1974.
18. Мунчаев Р.М., Мерперт Р.Я., Бадер Н.О. и др. Раскопки в Месопотамии. // Археологические открытия 1974 года.- М., 1975.
19. Мунчаев Р.М., Мерперт Р.Я., Бадер Н.О. и др. Советская экспедиция в Месопотамии. // Археологические открытия 1975 года.- М., 1976.
20. Мунчаев Р.М., Мерперт Р.Я., Бадер Н.О. и др. Исследования иракской экспедиции 1976 г. // Археологические открытия 1976 года.- М., 1977.
21. Мунчаев Р.М., Мерперт Р.Я., Бадер Н.О. и др. Исследования в Месопотамии. // Археологические открытия 1977 года.- М., 1978.
22. Мунчаев Р.М., Мерперт Р.Я., Бадер Н.О. и др. Экспедиция в Месопотамии. // Археологические открытия 1978 года.- М., 1979.

23. Семенов С.А. Керамический комплекс из древнего поселения Эреду в Ираке.// СА. 1965. №3.
24. Струве В.В. К проблеме частного землевладения в Шумере.\\ ВДИ. 1959. № 4.

4.Интернет ресурслари:

25. www.kulichki.ru
26. www.ziyoNET.uz
27. www.google.uz
28. www.wikipedia.ru
29. www.middleeast.narod.ru
30. www.bankreferatov.ru /Beitrag zur sozialen Etrubler des Alter Norden Asiens- Berlin, 1971
31. www.bankreferatov.ru/Месопотамия

5. Рус тилидаги адабиётлар:

32. Авдиев В.И. История Древнего Востока. - М., 1970.
33. Археология Старого и Нового Света. – М., 1966
34. Афанасьева В.К. и др. Искусство Древнего Востока.- М., 1971
35. Васильев Л. История религий Востока.- М., 1988.
36. Дандамаев М.А. Рабство в древней Вавилонии УП-ШУ вв до н.э. -М.,1974
37. Древние цивилизации.- М.:Мысль, 1989
38. Древний мир в памятниках его письменности. Сост. В.А.Жаринов, Н.М.Никольский и др. – М., 1915. Ч.1 Восток
39. Дьяконов И.М. Народы древней Передней Азии.- ЭПС. 1.- М.,1958.
40. Дьяконов М.М. Общественный и государственный строй древнего Двуречья.- М., 1959.

41. Зарождение древнейших классовых обществ и первые очаги рабовладельческой цивилизации.(Под ред.Дьяконова Н.М.) - М.,1983
42. История Древнего Востока. Часть 1. Месопотамия. Под ред И.М.Дьяконова.- М., 1983
43. История Древнего Востока.- М.:Высшая школа, 1988
44. Искусство Древнего Востока.- М., 1982.
45. Кленгель-Брандт Э. Путешествие в древний Вавилон.- М.,1979
46. Клима И. Общества и культура Древнего Двуречья. - Прага, 1947.
47. Клочкив И.С. Духовная культура Вавилонии.- М., 1983.
48. Крамер С. История начинается в Шумере.- М., 1965.
49. Липин Л.А. Древнейшие законы Месопотамии.- П.С. 1954.
50. [Ллойд С.](#) Археология Месопотамии. — М.: Наука (ГРВЛ), 1984.
51. Малая история искусств.- Москва-Дрезден, 1976 (статья В.К.Афанасьевой)
52. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.-Л., 1964
53. Массон В.М. Первые цивилизации. - кн. Древние культуры Ирана.- М., 1989.
54. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.-Л., 1964
55. Матье М.Э., Афанасьева В.К., Дьяконов И.М., Луконин В.Г. Искусство древнего Востока. Памятники мирового искусства.- М., 1968.
56. Мелларт Дж. Древнейшие цивилизации Ближнего Востока. – М.:Наука, 1982
57. Мунчаев Р.М., Мерперт Р.Я. Раннеземледельческие поселения Северной Месопотамии. – М., 1981

58. Оппенгейм А.Л. Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. – М., 1980.
59. Оппенгейм А. Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации / А. Leo Oppenheim / Изд. 2-е. — М.: Наука (ГРВЛ), 1990.
60. Редер Д.Г., Черкасова Е.А. История древнего мира.- М., 1985
61. Сетон Ллойд. Археология Месопотамии.- М., 1984.
62. Струве В.В. История Древнего Востока. – М.,1940
63. Струве В.В. Борьба с рабством - должничеством в Вавилонии и Палестине. - П.С., 1958.
64. Тураев Б.А. История Древнего Востока- Л., 1935-1936
65. Тюменков А.И. Государственное хозяйство древнего Шумера.- М.-Л., 1956
66. Флиттнер Н.Д. Культура и искусство Двуречья и соседних стран. М.-Л.,1958
67. Хрестоматия по истории Древнего Востока. (Под ред. Струве В.В., Редера Д.Г.) - М.,1963.
68. Хрестоматия по истории Древнего Востока. – М., 1980
69. Хрестоматия по истории Древнего мира. Под ред. В.Г.Боруховича. – Саратов, 1987.
70. Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. – М., 1956
71. Черниковский Э.М. Всеобщая история государства и права. - М., 1973.

ИЛОВЛАР

ГЛОССАРИЙ

Қадимги Месопотамия тарихига оид атамалар

- Аккад – Месопотамиянинг шимолидаги қадимги давлат
- Аморийлар - Сурияда яшаган қадимги қабила, улар “шарқ болалари” деб аталганлар
- Ассирия - Месопотамиянинг шимолида жойлашган мамлакатлардан бири. Оссурия деб ҳам аталади. Энг қадимги, Ўрта, Янги Оссур подшоҳлиги босқичларини босиб ўтган.
- Бобил – қадимги Месопотамиядаги шаҳар. Сўзнинг луғавий маъноси “Худо дарвозаси” демакдир.
- Бобил подшолиги – эр.авв. 1822 йилдан эр.авв. 1595 йилгача ҳукм сурган Давлат
- Зиккурат - 3,6,7 қаватли зинапо्याли минора, бу бинолар мактаб, ибодатхона, осмон жисмларини, ой ва қуёшни кузатувчи расадхона вазифасини бажарган. Тавротда “Бобил минораси” деб эслатилади.
- Кассит - Загрос тоғлари ортида яшовчи кўчманчи қабила, Месопотамияда эр.авв. 1595 йилдан бошлаб ҳукмронлик қилган.
- “Лаъл йўли”- Месопотамияни Бадахшон билан боғлаган қадимий қарвон ва савдо йўли
- Месопотамия – Фрот ва Дажла дарёларининг ўрта ва қуйи қисми, Икки дарё оралиғидаги ҳудудлар, ҳозирги Ироқ Республикаси ҳудудига тўғри келади.
- Миххат - Месопотамияда кашф этилган понасимон шаклдаги ёзув
- Месопотамия шаҳар-давлатлари – Урук, Эреду, Ларса, Лагаш, Исин, Киш, Сиппор, Ниппур

Тамкарлар - Месопотамияда кўшни шаҳарлараро савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи кишилар

“Тўрт иқлим подшоси” – Месопотамия подшолари ўзларини шу ном билан эълон қилишган

Хаммурапи – Бобил подшолигида эр.авв. 1792-эр.авв. 1750 йилларда ҳукмронлик қилган подшо. У ўз даврининг машҳур сиёсий ва ҳарбий арбоби бўлган

Хаммурапи қонунлари –Бобил подшолигидаги қонунлар тўплами, улар Хаммурапи томонидан миҳхат билан катта базалт тош устуни сатҳига ўйиб ёзилган. У 247 моддани ўз ичига киритган.

Шумер – Месопотамиянинг жанубидаги қадимги давлат

Шумер ёзуви - Эр.авв. 4 мингйилликда Шумерда кашф этилган суратли ёзув бўлиб, унда айтилмоқчи бўлган фикр расм билан ифода этилган



